

Ҳиммат — элнинг таянчи,
Меҳнат — роҳат қувончи.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 31-iyul, shanba № 60 (8293) ISSN 2010-6416

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳ-

нат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар

ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республи-

каси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқа-

диган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 июль



Ўқувчи-ёшлар тиббиёт муассасаларида


Наманган тиббиёт коллежи талабалари назарий билимларини шифохоналарда ўтказиладиган амалиётлар чоғида янада мустаҳкамламоқда.

Битирувчиларнинг кўпчилиги бўлажак иш жойларини ана шундай амалиётлар пайтида танлаб олаётир. Бунинг ўтган ўқув йилида мазкур даргоҳни битириб чиққан ёшларнинг 750 нафари тиббий муассасаларда фаолият кўрсатаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Суратларда: Наманган тиббиёт коллежи фаолиятдан лавҳалар.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Эртага мамлакатимиз Олий таълим муассасаларида тест синовлари ўтказилади. Унда 385645 нафар абитуриент 56607 ўрин учун билимлар баҳсига киришади.



УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИК, СИФАТ ҲАМДА САМАРАДОРЛИК

2 сентябрь — Билимлар куни яқинлашиб қолгани боис таълим муассасаларида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриломоқда. Шу маънода Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОИда икки кунлик республика семинари ташкил этилди. Мутахассислар иштирокчиларга шўба ишларида янги ўқув йилидан умумтаълим мактаблари ўқув жараёнига татбиқ этиладиган янгиликлар — ўқувчиларни баҳолашнинг рейтинг тизими, ўқитувчиларнинг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартиби, “Устоз-шогирд мактаби” амалиёти самарадорлигини ошириш каби долзарб мавзулар бўйича маълумот берилди.

(Давоми 3—7-бетларда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

Ўқув йилига тайёргарлик маромида

«БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!»

Mustaqillikning 19 yilligi oldidan
Наманган вилояти

ГЕН МУҲАНДИСЛИГИ келажак тиббиёти имкониятларини кенгайтира оладими?

КАРМАНА ХУНАРМАНДЧИЛИК МАКТАБИ

Фориш туманидаги 7-мактаб ховлиси ўқувчилар билан гавжум. Болалар соя-салқин жойларда шахмат-шашка машгулотларида қатнашмоқда.

— Мактабимизда ёз мавсумида ҳам спорт тўғараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Мамарайим Кўнаров. — Шахмат-шашка, стол теннис, волейбол, футбол тўғараклари доимо гавжум. Уларда кунига 135 нафардан кўпроқ ўқувчи иштирок этмоқда. «Ёз-2010» спорт ўйинлари доирасида кўшни мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ҳам ташкил этилади. Бундай тадбирларга 32та мактаб жалб этилиб, мусобақаларда жами 650 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тумандаги умум-

ассасалари зарур дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланмоқда. Таълим муассасаларини бадий адабиётлар билан таъминлаш мақсадида 1-мактабда ташкил этилган ахборот-ресурс марказига ҳомий ташкилотлар ҳамда ота-оналар ёрдамида 180 дона бадий адабиёт тақдим этилди.

Туманда 1 августдан 10 сентябргача фаолият кўрсатадиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарларини сотиш бўйича ҳудудларда 8та «Мактаб ярмарка»лари ташкил этилди. Бу ярмаркалар 14396 нафар

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК МАРОМИДА

таълим мактабларининг 21тасида спорт зали, ётасида гимнастика зали мавжуд. Кўшни қишлоқдаги 14-мактаб ўқувчи-ёшлари учун эса 5-ТИПдаги замонавий спорт комплекси ишга туширилди.

Мактаб раҳбарининг таъкидлашича, ўқув даргоҳининг янги биноси 2005 йили капитал реконструкция қилинган. 180 ўринга мўлжалланган замонавий мактабнинг 12та синфхона, спорт зали, кутубхона, меҳнат устaxonаси янги ўқув йилига тахт.

Бошланғич синф ўқитувчиси Робия Очилова 24 йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келаяпти. Устоз бу йил 1-синф ўқувчиларини қабул қилади.

Янги ўқув йилига масъулият билан ёндашиш тумандаги бошқа таълим масканларида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. 30-мактаб ҳам янги ўқув йилига шай. Бундай тайёргарлик ишлари Фориш туманидаги барча таълим масканларида қизгин. Туманда 69та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 13855 нафар ўқувчи таҳсил олади. Шунингдек, 7та мактабгача таълим ва 3та мактабдан ташқари таълим муассасасида ҳам янги ўқув йилини кутиб олишга ҳозирлик кўрилмоқда. Тумандаги таълим муассасалари белгиланган режа асосида жорий таъмирдан чиқарилди.

Барча таълим масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Умумтаълим мактабларининг 46таси кимё-биология ва физика хоналарига эга бўлиб, улар замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Ўқувчи ва ўқитувчилар лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланган ҳолда чуқур билим эгаллашмоқда. Билим даргоҳларининг 27таси синф компьютер жамламалари ҳамда 31таси персонал компьютерлар билан таъминланган. Устоз ва ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида «Компьютер саводхонлиги» тўғараги ташкил этилиб, унга 950 нафар ўқитувчи ва 5600 нафар ўқувчи жалб этилган. Тумандаги таълим му-

Taraddud



УЗУНБУЛОҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами тобора яқинлашаётган шу кунларда Жиззах вилояти Бахмал тумани Узунбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 54-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Узунбулоқ, Янгиобод, Шўрбулоқ қишлоқлари ўқувчи-ёшлари таълим оладиган ушбу 216 ўринли замонавий мактабда ёруғ, шинам синф хоналари, фан кабинетлари билан бирга компьютер хонаси, физика, кимё лабораториялари, ахборот-ресурс маркази ва спорт зали ҳам барпо этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги туфайли фарзандларимиз янги ўқув йилини ҳавас қилса арзиғулик янги мактабда бошлайдиган бўлдилар, — дейди узунбулоқлик меҳнат фахрийси Рўзибой Гулмуродов. — Қишлоғимиз кўрқига кўрк қўшган мактабда яратилган қулайликларни кўриб кўз қувонади, дил яйрайди.

Янги ўқув йили арафасида тумандаги Гулбулоқ қишлоғида ҳам 315 ўринли янги мактаб қад ростлади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

НАМУНАЛИ МАСЛАХАТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Farmon va ijro



Самарқандда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари фаолиятининг йўлга қўйилиши юртимиз маҳаллаларидаги маънавий-ижтимоий муҳит барқарорлигини

таъминлаш, хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маслаҳатчилар кенг аҳоли қатлами орасига кириб бориши маънавий-маърифий тарғибот ишларида, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Танловда туман, шаҳар босқичида голиб чиққан

маслаҳатчилар ўз маҳаллаларида олиб бораётган иш фаолияти, янги ташаббусларни ҳаётга татиқ этиш, ўз ҳудуди тарихи, анъана ва қадриятларини намойиш этдилар. Уларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Каттақўрғон шаҳар Мели Раззоқов номидаги маҳалла маслаҳатчиси Дилором Худойбердиева биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичида иштирок этадиган бўлди.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

ИШ ЎРИНЛАРИ — ЁШЛАРГА

Зомин туманида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бандлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида туманда яратилган янги иш ўринларининг бир минг 165тасига ёшлар жойлашди.

Зомин туманидаги тиббиёт, педагогика, агросаноат ва маиший хизмат соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган беш касб-хунар коллежини бу йил бир минг 980 нафар йигит-қиз битирди.

— Туман ҳокимлиги ва коллежлар раҳбарияти билан биргаликда битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда, — дейди Зомин тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори ва-зифасини бажарувчи Фурқат Жумаев. — Шунга кўра, барча коллеж битирувчиларининг рўйхати тузилиб, ҳудуддаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси билан мувофиқлаштирилди. Шунингдек, йил давомида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари иш берувчилар билан бевосита мулоқотда бўлдилар. Ана шу мулоқотлар натижасида дипломолди амалиётини ўташ ҳамда ишга жойлашиш бўйича коллежлар, ҳудуддаги иш берувчилар ва битирувчилар ўртасида бир минг 300 та уч томонлама шартнома имзоланди.

Туманда янги иш жойлари очиш ус-

тувор вазибалар сирасига киради. Йилнинг ўтган даврида 139 хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 33 таси савдо, 78 таси қишлоқ хўжалиги, учтаси қурилиш, иккитаси маиший ва 19 таси транспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган. Янги корхоналар очилиши билан иш ўринлари ҳам кўпайди. Кичик бизнес субъектларида 165 йигит-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди. Юридик шахс мақомига эга яқка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобига яратилган 211 иш ўринининг 185 тасини, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига ташкил қилинган 373 иш ўринининг 156 тасини ёшлар банд этди.

Туман марказида яқинда ишга туширилган «Абулазиз-Достон-Жалол», Даштотобод шаҳарчасидаги «Ёкубжон Суннат ўғли» гишт ишлаб чиқариш корхоналарида иш билан таъминланганларнинг тенг ярмини ёшлар ташкил этади.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ва қишлоқ қизларининг бандлик даражасини оширишда касаначилик имкониятлари, молия муассасаларининг имтиёзли кредитлари, касб ўрганиш ва малака ошириш хизматлари ҳам муҳим омил бўлаётир. Хусусан, сўнгги олти ойда касаначилик асосида ишли бўлганларнинг 431 нафари ёшлардир.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири


УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИК, СИФАТ ҲАМДА САМАРАДОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

БИЛИШГА ИНТИЛИШНИНГ РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛИ

1-шўба йиғилишида ХТВ бўлим бошлиғи Абдор Асқаров 2010 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2117-сон билан рўйхатга олинган "5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, Низом моҳияти, унинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши ҳамда синф журналининг юритилиши ҳақида тушунча берди.

— Такимилаштирилган рейтинг тизими ўқувчилар билимини қуйидан юқорига қараб ижобий баҳолаш меъёри асосида амалга оширилади, — дейди маърузачи. — Айрим сабабларга кўра, олинган "1", "2" балл ўқувчининг чораклик баҳосига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. 2010/2011



ўқув йилидан янги синф журнали тутилиб, унда мажбурий стандарт назорат иши (MSNI) баҳолари, тўлдирувчи балл алоҳида кўйилмайди. Журналга фақат жорий ва оралик назорат баллари, чораклик баҳолар, йиллик баҳо ва 9-синфда якуний баҳо, йиллик рейтинг бали қайд этилади.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга маърузачидан тўлиқ маълумот олишган, биз Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Самар Жумаевнинг шўба йиғилишидан олган таассуротлари билан қизикди.

— Ўқитувчиларга ўқувчилар билимини баҳолашда катта эркинлик берилгани, аниқ сонларга ишониб қолмай, баҳони юқориласштириш имкони туғилгани бизга маъқул бўлди, — дейди Самар Жумаев. — Фақат бу ишончнинг оқлаб, баҳолашда адолат тарозисини унутмай, ҳаққоний баҳони қўйишимиз лозим. Яна бир қулайлиги, аввалгидек ўқитувчи ҳисоб-китоб ишлари билан банд бўлиб, 8 хил формула асосида иш олиб бормайди. Чалқашликлар бартараф этилган. Энг муҳими, янги рейтинг тизимида ДТС талабларининг бажарилишида ўқувчиларнинг БКМларини ҳолисона баҳолаш, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш ва ҳақиқий рейтингни аниқлаш асосий мақсад қилиб белгиланган. Ушбу Низом янги ўқув йилидан бошлаб жараёнга татбиқ этилаётгани учун бу семинар барча учун фойдали бўлди. Эндиги вазифа жойларга бориб, Август анжуманларида ўрганганларимизни ҳамкасбларимизга етказишдир.

ОКИЛОНА ЁНДАШУВ ўқитувчи фаолиятини таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратади

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкларини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартиби, уларнинг таълим-тарбия самарадорлигига кўрсатадиган таъсири мавзуси **II шўба** кун тартибидаги маса-

ла бўлди. Унда иштирокчилар ўқитувчиларнинг иш вақтини ҳисоблаш тартибига киритилган ўзгаришлар билан таништирилди. Ўқитувчининг иш юкларини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартибини жорий этишда раҳбар ва ўқитувчининг ўрни хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчисининг йиллик иш юкларини 1548 соатдан иборат бўлиб, юклар доирасида бажариладиган ишлар 3та йўналиш (ўқув-тарбия жараёни, ўқув жараёнининг методик таъминоти, ташкилий-педагогик фаолият)да амалга оширилиши режалаштирилди.

Ўқитувчининг йиллик иш юкларини ва тарификацияга асосан ўзига ажратилган дарс соатлари бўйича тузилган шахсий йиллик иш режаси янги ўқув йили бошланишига қадар фан методика марказида муҳокама қилиниб, маъқулланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Ўқитувчилар мактаб маъмурияти розилиги билан дарс соатларидан бошқа иш турлари бўйича юкларини қайта тақсимот қилиш, фанининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, биттаси ҳисобидан бошқасини кўпайтириш ҳуқуқига эга.

Мактабда ўқитувчи ўзининг асосий иши билан биргаликда қўшимча равишда ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифасини бажарса, унинг иш ҳажми ушбу дарс соатлари ва уларга тай-

ёргарлик кўриш соатлари ҳисобидан кўпаяди.

Шўба тренери Маъруфжон Ваҳобов бу ҳақда шундай дейди:

— Ўқитувчи зиммасидаги йиллик иш юкларини шахсий йиллик иш режада белгиланган миқдор ва ҳажмда сифатли бажариши шарт. Юклардаги дарс соатларининг бажарилиши катъийдир, мазкур соатларни бошқа иш турларига кўчириш тақиқланади. Чоракларга тақсимланган дарс соатлари объектив сабабларга кўра, бир чоракда бажарилмас, навбатдаги чоракда (тиғизлаш ва бошқа усуллар билан) етказиб олинishi мумкин.

Гулсара Жумаева, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 2-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси:

— Вақтимизнинг асосий қисми ўқувчилар билан ишлаш ва дарс жараёнининг боришига қаратилса, таълим самарадорлигининг ошишига эришамиз. Ўтган ўқув йиллари давомида ҳужжатларнинг кўплигидан қайси бирига улгуришни билмай бошимиз қотар эди. Ўқитувчилар иш юкларини тақсимлашнинг янги тартибини эшитиб, қувондим. Ўқув-тарбия жараёнига таллуқли ҳужжатлар қисқарган, содда-лаштирилган. Янги ўқув йилидан ҳар биримизда йиллик иш режаси, тарбиявий ишлар режаси (синф раҳбари учун), тақвим-мавзу режа, дарс конспекти, дарс кузатиш дафтари, синф журнали каби ҳужжатлар талаб қилинади, ҳолос.

Ўқитувчилар йиллик иш режалари бажарилишининг умумий назорати директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади. Ўқитувчи томонидан йиллик иш юкларининг бажарилмаганлиги маълум бўлса, бунинг сабаби аниқланади ҳамда унга нисбатан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий чора кўрилади.

Янги ўқув йилида ўқитувчилар олдида қўйилаётган вазифаларнинг қулайлаштирилганлиги таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши табиий.

ҚАДИМИЙ АНЪАНАДА ЗАМОНАВИЙ РУХ

3-шўба қатнашчиларига «Халқ таълими тизимида «Устоз-шогирд» мактаби амалиёти самарадорлигини оширишдаги вазифалар: ёш мутахассис кадрлар билан ишлашда янгича ёндашув» мавзусида семинар-тренинг олиб борилди. Шўба иштирокчилари томонидан бу йўналишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинди ва янги йўналишлар белгилаб олинди.

Анъанавий «Устоз-шогирд мактаби»нинг ўзига хослигидан келиб чиқиб янгича ёндашувда тизимли равишда ўқитувчилар малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш жараёни ташкил этилаётгани эътиборлидир, — дейди биз билан суҳбатда Андижон шаҳар 11-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Муносибхон Аҳмадалиева. — Бунда устоз номини олган ҳар бир муаллим ўз билим ва тажрибасини, малака ва кўникмаларини ўзига бириктирилган уч нафар шогирдига сингдириб бориб уларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмак беради.

Халқимизда «Устоз-шогирд» тушунчасининг тарихи, моҳияти ва анъанавий илдиэлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Устозлар ўз билим ва тажрибаларини шогирдлари онгига сингдириб, уларни ўздан ҳам юксакроқ марраларни забт этишга ундайди.

2009-2010 ўқув йилининг апрель-май ойларида таълим соҳасида «Устоз-шогирд мактаби»ни тажриба-синовдан ўтказиш мақсадида республикамизнинг кўплаб умумтаълим масканларида танлаб олинди. Эндиликда эса ушбу тизим янги 2010-2011 ўқув йили иш режасига ҳам киритилди.

ОПТИМАЛЛАШТИРИЛГАН ДАСТУР ўзлаштиришдаги мураккабликларга ечим

Давлат таълим стандартлари нима? Давлат таълим стандартлари тўлиқ бажарилаётгани, бажарилмаётгани бўлса нималар тўсиқ бўлмоқда? Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида анъанавий Август кенгашларига тайёргарлик борасида ўтказилган ўқув-семинарнинг 5-шўба йиғилиши шу каби саволлар билан бошланди.

Унда Республикаимизнинг турли



ҳудудларидан ташриф буюрган вилоят ва туман методистлари, илғор фан ўқитувчилари, таълим соҳаси мутасаддиларидан таркиб топган қатнашчиларга ижтимоий фанлар бўйича узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган оптималлаштирилган ДТС, ўқув дастурлари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш юзасидан маълумотлар берилди.

— Бугунги семинарда иштирокчиларга ижтимоий фанлари бўйича ўқув дастуридаги ўзгаришлар ҳамда ушбу фанлардан ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар хусусидаги янги маълумотларни тақдим этдик. Уларга керакли тушунтириш ва топшириқлар берилди, — дейди маз-

кур шўба раиси — Республика таълим маркази ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи Нарғиза Исматова.

— ДТС шарҳларида ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малакаларнинг улар ёш хусусиятларини инобатга олмасдан тақсимлангани, дарсликлардаги мураккабликлар, ДТС талабларининг тўлиқ бажарилишига тўсқинлик қилган омиллардандир, — дейди Жиззах вилояти Пахтакор туман ХТВ методика кабинети мудири Хурсаной Қурбонова. — Ана шулар юзасидан ДТС; ўқув дастурларига киритилган айрим ўзгаришлар бўйича бугунги йиғилишда кенг тушунча берилди. Туман методика уюшмаси раҳбарлари билан ўрганганларимиз асосида ўқув-семинари уюштириб, фанлар кесимида ҳар бир ўқитувчига тушунтириш ишлари олиб борамиз. Тумандаги ўқитувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда тренерлар тайёрлаб, 6-7 августда ҳудудий шўба йиғилишларини ўтказишни режалаштирдик.

Ўқув-семинарда кўрилган масалаларни амалиётга кенг жорий этиш учун алоҳида тавсиялар берилиб, қатнашчиларга мавзуга оид тарқатма материаллар берилди.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁШ ВА ПСИХОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ДТС ва ўқув дастурларида эътиборга олинди

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим йўналишлари бўйича етакчи олимлар, тажрибали амалиётчи ўқитувчилар ва методистлардан иборат ишчи гуруҳи томонидан узлуксиз таълимнинг ДТС шарҳлари, ўқув дастурлари ва дарс мавзуларининг узвийлиги, уларнинг ўқувчилар ёши ва психофизиологик хусусиятларига мувофиқлик жиҳатлари ўрганилиб, таҳлил қилинди. 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш даврида қуйи босқичларга ўтказилган, синфлараро, таълим босқичларида ва фанлараро такрорланадиган, ўқувчининг ёши ва психофизиологик хусусиятларига мос келмайдиган тушунчалар ва мавзулар аниқланиб, зарур ҳулосалар берилди.

Навбатдаги шўбада иштирокчилар табиий ва аниқ фанлар бўйича узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган оптималлаштирилган ДТС; ўқув дастурлари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш борасида кенг қамровли маълумотларга эга бўлди.

— Йиғилиш жараёнида оптималлаштирилган ўқув дастурлари ҳақида тўлиқ маълумот олдик. Бундан ташқари, лаборатория машғулотларини ўтказиш тартиби ва унга киритилган ўзгаришлар ҳақида ҳам бизга етарлича маълумот берилди, — дейди Боёвут туманидаги 52-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Баҳром Алиев.

Дарҳақиқат, бу каби оптималлаштириш ҳолатларини кимё, физика, математика, биология каби қатор фанларда ҳам кузатиш мумкин. Кимё фанидан жами 19 соат ҳажмдаги 19та мавзу, физикадан жами 39 соат ҳажмдаги 33та мавзу, биология бўйича 12 соат ҳажмда 6та мавзу ва математикадан жами 235 соат ҳажмда 107та мавзу оптималлаштирилганлиги юзасидан йиғилганларга атрофлича, тўлиқ маълумотлар ва зарурий тавсиялар берилди.

Мазкур шўбада асосан 5та ўқув предметини ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизлик, фанлараро боғланиш масалалари асосидаги таҳлиллар юзасидан умумлаштирилган материаллар билан ўқитувчиларга тақдим этилди.

(Давоми 7-бетда.)

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАС-ТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, САЛОМАТЛИГИ ЗАИФ, НОГИРОН БОЛАЛАРГА МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИШ, ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАШДАН ИБОРАТ.

Наманган шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ҳамда мактабдан ташқари тўғарақларга жалб қилинган жисмонан ногирон болалар ўртасида ташкил этилган «Мафтункор ранглар жилоси» ёш рассомлар кўрик-танлови шу мақсадга хизмат қилди.

Танловда дастлаб ёш рассомларнинг мамлакатимизнинг диққатга сазовор тарихий масканлари, болаликнинг ўзига хос манзараларини акс эттирувчи ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Кейин иштирокчиларга ҳакамлар ҳайъати томонидан эркин мавзуда расм чизиш вазифаси топширилди.

Хулосаларга кўра, топшириқларни аъло даражада бажарган қатнашчилар «Энг матонатли», «Истеъдодли», «Энг фаол», «Энг иқтидорли» ҳамда «Энг шижоатли ижодкор» сингари номинациялари бўйича тақдирланди.

«Янги авлод-2009» танловининг шаҳар, вилоят, республика босқичи ғолиблари, ижодкор мактаб ўқувчилари ўз чиқишлари билан тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлаб берди.

А.ШАРИПОВА,
Наманган шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси

НАВКАТ ҚИШЛОҒИДА БУНДАН ИККИ ЙИЛ МУҚАДДАМ КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИБ, ИШГА ТУШИРИЛГАН 46-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА САЛКАМ 200 НАФАР ЎҚУВЧИ БИЛИМ ОЛАДИ.

Айни пайтда ўқувчилар таътилда бўлишига қарамасдан мактабда ишлар қизғин. Сабаби, янги ўқув йили яқин.

Дарҳақиқат, биринчи кўнғироқ жанрагини соғинган Қўшработ туманидаги бу мактаб ўқувчилари ҳам, ўқитувчилар ҳам ўз билим масканлари сари ошиқиб турибдилар. Бунинг учун барча синфхоналарда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ёлқин Умиров, Дилором Ширинова каби ўқитувчилар ўз фан кабинетларини сифатли таъмирлаб, ҳамкасбларига намуна бўлишди.

Янги ўқув йили бошланиши олдидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳам кўриш лозим. Мактабга 27 тонна кўмир келтирилган бўлиб, у белгиланган талаб асосида сақланмоқда. Ишчи-хизматчилар бино ичкараси ва ташқарисини тартибга келтириш билан банд.

МУХБИРИМИЗ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 90-МАКТАБДА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «БЕҒУБОР ЁШЛИК» СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ҳар мавсумда 94 нафар боланинг мароқли дам олиши учун хизмат қилаётган мазкур майдонча яқинда иш бошлаганига қарамасдан, ўқувчиларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди.

Мавсумлар давомида волейбол, футбол, стол тенниси, сузиш, шахмат, шашка, «Инсон қўли — гул», «Пиёда — умринг бўлсин зиёда», «Ёш нотиклар», «Ёш рассомлар», «Ёш биологлар», ўлкашунослик, инглиз тили тўғарақлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Болаларни чиниқтириш ва иродани мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ўқитувчиси М.Валиуллин раҳбарлигидаги волейбол тўғарагининг ҳиссаси катта.

Мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда кичик болалар сув ҳавзасининг очилиши ҳам ҳақиқий байрамга айланди. У ҳар куни соат 11:00дан 12:30гача дам олувчилар ихтиёрида.

Чоршанба ва жума кунларини ўқувчилар, айниқса, интиқиб кутади. Сабаби, ҳафтанинг бу икки кунда улар Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғига бориб, туман Болалар ижодиёт маркази томонидан ташкил этилган концерт дастурларини томоша қилишади.

Оромгоҳнинг кичик дам олувчилари вақтни самарали ва мазмунли ўтказиш йўллариини ўрганиб олишди. Танлов ва беллашувлар эса уларни қобилиятларидан тўғри фойдаланиш, мақсад сари олға боришга ундади. Мана шу тамойилга амал қилган 7-синф ўқувчиси Зухра Маҳмудова туманлараро стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақада шарафли 1-ўринни эгаллади.

В.ҚАРШИБОВА

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА АҲОЛИНИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА СИРДАРЁДА УЧ ҲАФТАЛИК ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўқув курсларида I SOFN.UZ интерфаол дастур қўлланмаси, компьютернинг UzMOT1.0 эркин ва очик кодли операцион тизими бўйича тушунтиришлар берилди. Айниқса, университетнинг 4-босқич талабаси Бекзод Асатуллаев ва Алишер Абдусатторов Оқолтин туманида ўтказган ўқув-семинари самарали натижа берди.

Аҳоли билан мулоқот чоғида тумандаги 2-мактаб ўқувчиси Азиза Холбекова, Сирдарё иқтисод касб-хунари коллежи ўқитувчиси Малика Фозилова, «Дўстлик» маҳалласи котиби Маҳмуджон Мирзабеков амалий сабоқлари учун университет талаба-ёшларига миннатдорчилик изҳор этди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, биргина Оқолтин туманида 70 нафардан зиёд ёш компьютерлар билан ишлаш учун дастлабки фаолият кўрсатиш малакасига эга бўлди.

Вилоятда ўқув курслари 21 кун мобайнида фаолият юритди. Курс тингловчиларига Сирдарё вилоят электромагнит мосламалар хизмати жамоаси ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Бундай ўқув-тренинг курслари Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-хунари коллежи ва Гулистон шаҳар компьютер ва ахборот технологиялари коллежида ҳам ўтказилди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТАЪЛИМ-ТАРБИҲА



CHORRAHASIDA

УЧКУДУҚ ТУМАНИДАГИ 7-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 5ТА СПОРТ СЕКЦИЯСИДА 104 НАФАР ЎҚУВЧИ МАШҒУЛЛАРГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН.

Мактаб директори Адиба Рўзиева сайёҳ-харакатлари билан ўтказилиб келинаётган спорт мусобақалари, тадбирлари ҳам ёшлар ўртасидаги жисмоний маданиятнинг ривожланишига, соғлом турмуш тарзининг қарор топишига туртки бўляпти. Қолаверса, Учқудуқ тумани бадий гимнастика федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жағмафраси томонидан мазкур илм маскани салкам уч миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва кийимлари билан таъминланди. Мактабда бадий гимнастика тўғарагининг ташкил этилиши эса ўқувчи-қизлар ва уларнинг ота-оналарини хушуд қилди.

Бундан ташқари, ёзги таътил кунларида шаҳардаги «Лочин» спорт мажмуасида мактаб ўқувчилари турли спорт секцияларида шуғулланиб, туман, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш ва ўз маҳоратини намойиш қилишга интиломоқда. Машғулотларнинг мазмуни ва тартиби ҳақида

салан, 6-синфда таҳсил олаётган Паҳлавон Тўраев, Фирдавс Жумаев дзюдо бўйича вилоят босқичида 1-ўринни, Жонибек Ўктамов эса 2-ўринни эгаллади.

Янги ўқув йилини янги режалар билан бошлаш янги ютуқ ва интилишлар сари етаклашни тўғри англаган мактаб раҳбарияти 2010-2011 ўқув йилида ўқувчи-ёшлар учун яна 9та спорт секцияси ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани эса, айниқса қувонарлидир.

Аслиддин БОЗОРОВ

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРИШГА ҚОДИР БЎЛГАН КАШФИЁТЛАР ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ТАСАВВУРИНГИЗ БОР? ЁКИ ЭНГ КАТТА ТАБИАТ МУЗЕЙИ ҚАЕРДА ЭКАНИНИ БИЛАСИЗМИ?

Шу ва шу каби мавзуларга дахлдор билим ва қарашларингизни янада кенгайтирмоқчи бўлсангиз «Maktabda geografiya» журнаlining навбатдаги 6-сонини, албатта, мутолаа қилинг. Нашр бу гал ҳам ўзининг доимий руқчаларини давом эттирган ҳолда «Дунё бўйлаб» сизни «Тепаликдаги қалъа» сайрига бошлаб боради. Дарвоқе, нега «Тепаликдаги қалъа»? Бунда қандай мазмун ва маъно мужассам? Журнални саҳифалар экансиз, албатта, бу саволларингизга жавоб оласиз.

Ёшларимизнинг юртимиз табиати, иқлими, бепоён далалари, қирлари, тоғу денгизлари, хуллас, бор гўзаллигию тароватини кўра билмоқлари, ҳис этқалбида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, гурурни ошириши шаксиз. Журналимизнинг доимий руқчаларидан бирига айланган «Ватан сарҳадлари» ана шу борада ҳам аҳамиятли деб ўйлаймиз. Яна бир гап, биз мазкур руқ доирасида нафақат республика ёки вилоятлар, балки, уларнинг таркибидаги туман ва шаҳарлар, ҳатто эътиборга молик қишлоқлар хусусида ҳам материаллар бериб боришни режалаштирганмиз.

Журналнинг янги сониди, шунингдек, «Фан ва таъриқ» руқнидан ўрин олган «Шамол энергетикаси, унинг истикболлари қандай?», «Макон ва замон» руқни орқали эълон қилинган «Ҳаво қандай пайдо бўлган?» сингари материаллар билан танишасиз. «Бошқотирма» ва «География атамалар»дан эса сабоқларингизни янада қизиқарли ташкил этишда ижобий фойдаланмоғингиз мумкин.

Ойбуви ОЧИЛОВА

КИМЁ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БИЛИМ ОЛИШГА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР УЧУН «МАКТАБДА КИМУ» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ 6-СОНИДА «АБИТУРИЕНТ-2010» РУКНИ ОСТИДА БЕРИЛГАН МИСОЛ ВА МАСАЛАЛАР КУЧАЛАРИНИ ЯНА БИР БОР СИНАБ КЎРИШ УЧУН ЯХШИ ИМКОНИЯТ.

Бундан ташқари, журнал мухлислари мазкур сонда моляр масса, экологик маркир, табиий захарлар хусусида атрофлича маълумотга эга бўлишлари мумкин.




Ёзги таътилда ҳам мактаблар қошидаги кимё тўғарақларига қатнаётган ўқувчилар ўқитувчилари назорати остида қиздириш орқали муз ҳосил қилувчи қизиқарли кимёвий таҳрибани ўтказиш йўлини билиб олишлари мумкин.

Дунё олимлари томонидан қилинган энг янги кашфиётлар, яъни юртимизда самарали фаолият юритаётган «Навоизот» очик акциядорлик жамятида Республика кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти олимлари билан биргаликда таблетка шаклида уротропин яратилгани, америкалик кимёгарлар эса ичимлик сувининг тоза ёки тоза эмаслигини аниқлайдиган қоғоз яратишгани ҳақида ҳам ушбу сонда ўқийсиз. «Методик ёрдам» руқни остида берилган ТШХТББ Кимё ва биология фанлари методисти Ш.Бозорованинг «Ижодий топшириқлардан фойдаланиш таҳрибасидан», физика-математика фанлари номзоди Т.Носировнинг «Элементар зарралар», Қарши шаҳар муҳандислик-иқтисодий институти, кимё кафедраси мудири Т.Дўстмуродовнинг «Кимё ва атроф-муҳит муҳофазасининг муаммолари» сарлавҳали қизиқарли мақолалари сизни бефарқ қолдирмайди.

Наргис ҚОСИМОВА

ТАБИАТДА ҲАР БИР ТУРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ МАВЖУД. БИЛАСИЗМИ, ТАБИАТДА ЗАҲАРЛИ БАЛИҚЛАР ҲАМ УЧРАЙДИ.

Бундай балиқлар тури сизни қизиқтираётган бўлса, «Maktabda biologiya» журнаlining 6-сонидида «Bu turfa olam»нинг «Заҳарли балиқлар ҳақида биласизми?» материали орқали маълумотга эга бўлишингиз мумкин.



Жорий йилда Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида Халқаро биохилма-хилликни асрашга бағишланган «Гуллар ва қушлар байрами» кўргазмаси ўтказилди. «Ekologik tanlov»да ана шу тадбирдан лавҳалар берилган.

Экология фанини ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда «arpa» ёки «zigzag» методидан фойдаланишни «Sinab ko'ring» руқни орқали ўрганиш мумкин.

Фақат тирик организмларни эмас, балки улар яшайдиган муҳитни ҳам ўз ичига олган биосфера «Оролбўйи экологияси» факультатив курсида «Биосфера ва уни муҳофаза қилиш» мавзусини ўқитишда «Илмий конференция» усулларида фойдаланиш «O'qituvchiga yordam» беради. Бундан ташқари, ушбу руқни остида ўқувчиларнинг зоология фанига қизиқишларини кучайтириш мақсадида «Чумчуқсимонлар» бошқотирмаси, сабзавотлардан бири ҳисобланган «Пиёз экинлари» ҳақидаги маълумотларни билиш мумкин.

Шунингдек, фанга оид қизиқарли хабарлар ҳамда атамалар луғати Сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Мухлиса МУМИНОВА

Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўз қўлига олиш, тараққиёт йўлини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни тиклаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш имкониятини берди.

Биз ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаб, азалий қадриятларимизга суянган ҳисобга олган ҳолда, истиқболли, олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, барча имкониятлар ва бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олганлиги, айнан, мустақилликнинг шарофати эканлигини тобора чуқур англабмиз.

Бундай эзгу мақсадларга эришишда юксак маънавий, маънавий тарбия муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги ёшлар — мустақил Ўзбекистоннинг келажиги. Зотан, мана шу навқирон авлодни қанчалик маънавий жиҳатдан баркамол, етук кишилар қилиб вояга етказсак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, гурур, ўз Ватанига содиқлик ҳислари изчил шакллантириб борилса, кўзланган юксак тараққиёт марралари сари шу қадар комил ишонч билан илгарилаб борамиз.

Халқ таълими тизимида мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш ва катта тайёргарлик билан нишонлашга катта аҳамият берилмоқда. Бунда истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан, таълим тизимида амалга оширилган улкан ислохотлар ва эришилган ютуқлар моҳиятини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирлари орқали ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақиллик қадри, уни мустаҳкамлашга масъуллик ҳисси, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ПҚ 1358-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этамиз:

— таълим муассасаларида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, туман (шаҳар)лар миқёсида маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда барча таълим муассасаларида тантанали йиғилишлар ўтказиш, марказий хиёбонларда халқ сайилларини ташкил этиш;

— байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар, таълим муассасалари бинолари истиқлолни улуғловчи, байрам мазмунига мос шиорлар, чақириқлар, юртимизнинг, халқимизнинг

мустақиллик даврида эришган ютуқларини кенг оммага етказувчи тасвирий воситалар, лавҳалар, алломаларимизнинг ҳикматли сўзлари ёзилган кўргазма-

иктисодий инқирози давом этаётганлигига қарамай, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётгани, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг ижобий самараларини ҳар томонлама очиб бериш;

— мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиш;

— байрам ўтадиган жой-

ларида ўқув йилининг биринчи соатини 1—4-синфларда «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир», 5—7-синфларда «Ўзбекистон — менинг Ватаним, бахту иқболим макони», 8—9-синфларда «Ўзбекистон — улкан имкониятлар, янгиланишлар ва ислохотлар мамлақати» мавзуларида мустақиллик соатлари сифатида ўтказиш;

— «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида маънавий-маърифий ўн кунлик ташкил этиш.

Бунда:

— биринчи синфга қабул қилинган ўқувчиларга кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида «Президент совғаси»ни топшириш тадбирла-

«Ўзбекистон — умумий уйимиз, бахтимиз ва иқболимиз маскани» мавзусида маънавий-маърифий кечалар ташкил этиш;

— Мустақиллик майдони ва Шаҳидлар хотираси мажмуасига, шунингдек, ҳудудлардаги «Хотира» хиёбонларига ва янги барпо этилган иншоотларга ўқувчилар саёҳатларини ташкил этиш;

— жамият ҳаётининг турли соҳаларида алоҳида ютуқларга эришган ёшлар вакиллари билан «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзусида учрашувлар ўтказиш;

— мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Истиқлол гунчалари» ҳудудий мусиқа ва санъат фестивалларини ўтказиш;

— барча турдаги оромгоҳларда «Эркесвар юрт эркатойлари» мавзусидаги ижодий ишлар танловини ўтказиш;

— ижодкор ўқувчиларнинг «Истиқлол умидлари» фестивалини ташкил этиш;

— «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўриктанловида фаол иштирок этиш;

— Давлат педагогика институтлари талабалари ўртасида «Иқтидорлиларни излаймиз» кўриктанловини

«БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!»

1 сентябрь — «Мустақиллик куни» умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича методик тавсия



лар билан жиҳозланиши ҳамда таълим муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш;

— байрам тантаналарига ҳокимият, халқ таълими ходимлари, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, маҳалла фаоллари, фахрий устозлар, «Маҳалла», «Устоз», «Олтин мерос» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ОАВ вакиллари, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганларни таклиф этиш;

— Мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганлиги, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида яшаш ҳаётимиз қондасига айланиб бораётганини ҳар томонлама кенг тарғиб этиш;

— халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қатъий белгилаб олинган миллий тараққиёт йўлимиз асосида кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилаётгани, дунёда жаҳон молиявий-

ларда халқ сайилларини ташкиллаштириш, санъат ва маданият арбоблари иштирокида концерт дастурларини намойиш этиш;

— «Истиқлол тўйига тўёна» шиори остида янги қурилган таълим муассасаларининг тантанали очилиш маросимларини кенг жамоатчилик иштирокида юқори савияда ташкил этиш;

— «Маърифатли юрт фидойиларига эҳтиром» шиори остида ёш авлодга замонavi талаблар асосида билим бераётган, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялашда алоҳида ўрнатган устоз-мураббийларни тақдирлаш маросимларини уюштириш;

— байрам олдида таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари иштирокида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, ногиронлар, нафақадаги педагоглар ва Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳолидан хабар олишга йўналтирилган хайрия тадбирларини ташкил этиш;

— халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактаб-

рини тантанали ўтказиш;

— истиқлол йиллари давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими ва маънавият, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ҳамда юксалиш даври бўлганлигини очиб беришга қаратилган очиқ дарсларни ташкил этиш;

— умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, Ватан тақдирини келажакка дахлдорлик туйғуси онгимиздан чуқур ўрин олаётганини тараннум этувчи «Истиқлолнинг бахтли манзаралари» мавзусидаги расмлар кўриктанлови, «Баркамол авлод — Ватан таянчи» мавзусида иншолатанлови, «Мустақил юрт манзаралари» мавзусида тақдиротлар танловини ташкил этиш;

— таълим қардош тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида

ташкил этиш кўзда тутилди.

Режалаштирилаётган ҳар бир тадбирни расмийлик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган, ташаббускорликка ундовчи таъсирчан шаклда ўтказилишига эришиш лозим.

Байрам тадбирларини ташкил этиш давомида жамоат тартибини сақлаш, болалар ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Байрам арафаси ва байрам кунлари хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида ички ишлар, ёнгин хавфсизлиги, фавкулда вазиятлар бўлимлари ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Республика таълим маркази «Маънавий-маърифий ишлар» бўлими

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi tomonidan "O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi muassasalari rahbar va pedagog kadrlarining an'anaviy Avgust kengashlarini o'tkazish to'g'risida"gi 177-sonli buyruq imzolandi.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimida Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirishda to'plangan tajribalarni tahlil etish, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 27-yanvardagi "Barkamol avlod yili" Davlat dasturi to'g'risida PQ-1271-son qarori ijrosini ta'minlash, o'tgan o'quv yili davomida erishilgan yutuq-kamchiliklarni sarhisob qilish, yo'l qo'yilgan xatolar sababini aniqlash, ularni bartaraf etish hamda 2010-2011-o'quv yili uchun istiqbol rejalarini

belgilab olish maqsadida qabul qilingan ushbu buyruqda qayd etilishicha, joriy yilning 23-avgustidan boshlab joylarda 3 kun davomida o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari rahbarlari, pedagoglari va muhandis-pedagoglarning Avgust kengashlari o'tkaziladi.

Markazning Avgust kengashlarini o'tkazishga mas'ul xodimlari va Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar hamda Toshkent shahar hududiy o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi boshqarmalari boshliqlari zimmasiga Avgust kengashlariga tavsiya etilayotgan mavzularni yoritish uchun ish beruvchi tashkilot va korxon vakillarini jalb etish, Avgust kengashlarining ochilishi va yalpi yig'ilishlarini namunaviy tayanch ta'lim muassasalari negizida

tashkil etish, o'quvchilarning amaliy-ijodiy ish namunalari, ijodkor pedagoglar tomonidan yaratilgan o'quv adabiyotlari, qo'llanmalar, uslubiy ishlanmalar, tavsiyalar hamda yangi avlod darsliklari ko'rgazmalarini tashkil etgan holda o'tkazilishini ta'minlash, Avgust kengashlarining yakunlari bo'yicha analitik hisobotlarni tayyorlash hamda 2010-yil 3-sentyabrgacha hududlarga birlashtirilgan mas'ul xodimlarga taqdim etish kabi vazifalar yuklatildi.

Quyida Avgust kengashlari yig'ilishlariga tavsiya etilayotgan dolzarb mavzular ro'yxati e'lon qilinayotir.

Tavsiya

O'RTA MAXSUS, KASB-HUNAR TA'LIMI XODIMLARINING AN'ANAVIY AVGUST KENGASHLARI YIG'ILISHLARIGA TAVSIYA ETILAYOTGAN DOLZARB MAVZULAR

1. "Barkamol avlod yili" Davlat dasturiga muvofiq amalga oshirilgan ishlar va ularning mohiyatini o'quvchilar ongiga singdirish bo'yicha vazifalar.

2. "Mustaqillik darsi"da mamlakatimizda mustaqillik yillarida ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy, tashqi siyosat va xavfsizlikni ta'minlash borasida erishilgan yutuqlar, amalga oshirilgan ishlar mohiyatini o'quvchi-yoshlar ongiga yetkazishga qaratilgan mashg'ulotlarni samarali tashkil etish.

3. "Eng ulug', eng muqaddas vazifa — barkamol avlod tarbiyasidir", "Barkamol avlod tarbiyasi: zamon, makon va mafkura" mavzularida ma'naviy-ma'rifiy darslarni tashkil etish.

4. Kembrij universiteti professori, Markaziy Osiyo bo'yicha Kembrij forumi raisi Sidxard Saksenaning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti nomiga yo'llagan maktubi mazmun-mohiyatini professor-o'qituvchilar orasida muhokama qilish.

5. Prezidentimizning "Biz har tomonga bag'rikeng va hamdard xalqmiz" risolasi mazmun-mohiyatini targ'ib qilish.

6. O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o'n to'qqiz yilligi bayramiga bag'ishlangan "Bu muqaddas Vatanda azizdir inson" degan ezgu g'oyaning mazmun-mohiyatini chuqur anglash, uning ongu tafakkurimizda, ijtimoiy hayotimizda o'z aksini topayotganligini o'tkaziladigan har bir ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar mazmuniga singdirish.

7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010-yil 1-iyuldagi "2010-2011-o'quv yilida O'zbekiston

Respublikasining o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalariga qabul to'g'risida"gi 131-sonli qarorining mazmun va mohiyati.

8. Oliy, o'rta maxsus, kasb-hunar hamda umumiy o'rta ta'lim uzviyligi va izchilligini ta'minlash bo'yicha hududiy Muvofiqlashtirish Kengashlari faoliyatini yo'lga qo'yish tajribalari.

9. O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimi amaldagi normativ-huquqiy bazasi tahlili. Yangi normativ-huquqiy hujjatlarni ishlab chiqish, amaldagi hujjatlarga o'zgartirish va qo'shimchalar bo'yicha takliflar ishlab chiqish.

10. O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining umumta'lim fanlari bo'yicha uzviylashtirilgan o'quv dasturlarini 2010-2011-o'quv yilidan amaliyotga joriy etish to'g'risida.

11. Voyaga yetmaganlarning nazoratsizligi va huquqbuzarlikning oldini olishning dolzarb masalalari.

12. Alohida e'tiborni talab qiluvchi voyaga yetmaganlar va oilalar bilan yakka tartibdagi profilaktika ishlarini tashkil etish asoslari va tartibi.

13. Voyaga yetmaganlarni ixtisoslashtirilgan o'quv-tarbiya muassasalariga va voyaga yetmaganlarga ijtimoiy-huquqiy yordam ko'rsatish markazlariga joylashtirish tartibi va asoslari.

14. Ijtimoiy xavfli holatdagi voyaga yetmaganlarning huquqiy maqomi, ularni ijtimoiy-huquqiy va pedagogik reabilitatsiya qilish tartibi.

15. Sog'lom turmush tarzining nufuzli qiyofasini shakllantirish maqsadida sog'lom oila tashkil etish, tibbiy madaniyat masalalarida yoshlarning

savodxonligini o'stirish va mas'uliyatini oshirish.

16. Uzlusiz ta'lim tizimida o'quvchilar va talaba yoshlarda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish uchun majburiy zarur ko'nikma va malakalarni shakllantirish masalalari.

17. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009-yil 11-fevraldagi "Kasb-hunar kollejlari o'quvchilarining ishlab chiqarish amaliyotini tashkil etish va o'tkazishini takomillashtirish to'g'risida"gi 40-sonli qarori asosida yirik kontsernlar, assotsiatsiyalar, kompaniyalar, tashkilotlar va idoralar ishtirokida sherikchilik munosabatlarini takomillashtirish masalalari.

18. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarda ta'lim mazmuni samaradorligini oshirishning dolzarb masalalari.

19. O'tgan o'quv yili davomida erishilgan yutuq va kamchiliklarni sarhisob qilish, yangi 2010-2011 o'quv yiliga tayyorgarlikni kuchaytirish va maqsadli istiqbol rejalar to'g'risida.

20. Oliy ta'lim muassasalarini joriy yilda bitirib, akademik litsey va kasb-hunar kollejlarga yo'llanma asosida ishga qabul qilingan yosh mutaxassislarining maqsadli malaka oshirish o'quv seminarlarini tashkil etish.

21. Umumiy o'rta ta'lim maktablari 9-sinf bitiruvchilarini ta'limning keyingi bosqichiga to'liq qamrab olishning dolzarb vazifalari, muammolari va yechimlari.

22. Yoshlarni kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini tubdan yaxshilash hamda ta'lim muassasalari va korxonalar o'rtasidagi

hamkorlik va sheriklik munosabatlarini rivojlantirish va uni amaliyotga joriy etish.

23. Kasb-hunar kollejlarda maxsus fanlardan amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish ilg'or ish tajribalari.

24. 2010-2011 o'quv yilidan yangi mutaxassislik bo'yicha kadrlar tayyorlashga kirishgan ta'lim muassasalarining ta'lim-tarbiya jarayoniga tayyorgarlik holati.

25. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari bitiruvchilarining bandligi monitoringini yuritish, bitiruvchilar mehnatidan samarali foydalanish ishlarini tashkil etishning samarali usullari.

26. Ta'lim muassasalariga yangi o'quv-me'yoriy hujjatlarni joriy etish. O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari rahbar kadrlari zaxirasini tayyorlash masalalari.

27. Ta'lim jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'lamini kengaytirish.

28. Ziyonet axborot ta'lim tarmog'i bazasidagi ma'lumotlardan ta'lim jarayonida foydalanish samaradorligini oshirish.

29. "O'zbekistonda kasbiy ko'nikmalarni rivojlantirish" 2-bosqich loyihasi doirasida ishlab chiqilgan o'quv-me'yoriy hujjatlarni ommalashtirish masalalari.

30. Hududlarda o'tkazilgan "Eng yaxshi o'qituvchi" ko'rik-tanlovi yakunlari.

Shuningdek, tadbir doirasida har bir hududning o'ziga xos mavjud muammo va yutuqlariga doir qo'shimcha masalalar muhokama etilishi mumkin.

O'RTA MAXSUS, KASB-HUNAR TA'LIMI MARKAZI

Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш ва буюк аждодларимизга муносиб ворисларни вояга етказиш масаласи ҳар доим муҳим аҳамият касб этиб келган. 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши эса бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, бола ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш учун айни муддао бўлди. Дастурда ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Аслида, баркамол, ҳар томонлама етук авлодни вояга етказиш — инсоний қадриятларнинг энг улуғи саналади. Мана шу эзгу мақсадни амалга оширишда оиланинг ўрни бекиёс. Тинч-тотув, самимий муносабатлар асосига қурилган оиладагина яхши аъналар шаклланиши, соғлом болалар улғайиши мумкин. Кўп ҳолларда, боланинг тақдири ва шахс сифатидаги ўрнини белгилаб берувчи тарбия жараёни учун, биринчи навбатда

МУСТАҲКАМ ОИЛА — БАРКАМОЛЛИК ГАРОВИ

ота-она масъул. Кейинчалик ушбу тарбия давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлашган ҳолда, ҳуқуқий тарбия деб аталувчи мураккаб ва масъулиятли тушунчани ҳосил қилади.

Юртимизда болаларнинг тўлақонли шахс сифатида ҳаёт кечириши, таълим олиши, сўз ва фикр эркинлигига эга бўлиши сингари қатор ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан мустаҳкамланган. Бироқ, ижтимоий муносабатлар, айниқса, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар мавжуд экан, бола тарбияси билан боғлиқ низоларнинг келиб чиқиши ҳам табиий ҳол саналади. Олдимиздаги энг муҳим вазифа бундай келишмовчиликларни тўғри ва ўз вақтида қонун нуқтаи назаридан кўриб

чиқиш ва бартараф этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ҳар бир ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга эканлиги таъкидланган. Ота-оналик ҳуқуқи фарзанд манфаатларига зид равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Мазкур тамойилларнинг бузи-

Fikr



лиши ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир этиши мумкин.

Сир эмаски, боланинг маънавий камолоти у тарбияланаётган оила аъзоларининг ҳатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабати ва ахлоқий сифатлари билан белгиланади. Агар оилада соғлом муҳит ҳукм сурмаса, ота-она инсоний фазилатлардан йироқ бўлса, фарзандлар қаровсиз қолади, уларнинг руҳиятида ҳам салбий жараён-

лар кеча бошлайди. Ноқобил, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилишга мойил шахслар, асосан, мана шундай масъулиятсизлик ҳукмрон бўлган турмушнинг оқибатларидир.

Бола тарбиясида оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигининг ўрни хусусида ортиқча гап-сўзларга ҳолат йўқ. Маҳалла бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос кuzatuvchisidir. Қолаверса, оила ва мактаб ўртасида ўрнатилган мулоқот боланинг дўстлари, қизиқишлари, руҳий ва жисмоний ҳолати ҳақидаги ота-она тасаввурларини тўлдиради.

Ота-оналар ўртасида сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий саводхонлик даражасини ошириш мақсадида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли иш-хотлар, чиқарилаётган фармонлар, қабул қилинаётган қонунлар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ оила қуриш ва соғ-

лом турмуш тарзи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаган ёки эга бўлишни истамайдиган кимсалар орамизда ҳалигача учраб туради.

Оилада фарзанд тарбияси энг устувор масалалардан бири эканлигини ёш оилаларга тушунтириш учун болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган органлар: васийлик ва ҳомийлик, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, мактабда тарбия, умумтаълим, давлолаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш, ФХД, адлия, суд, прокуратура, ички ишлар, адвокатура, нотариат, хотин-қизлар кўмиталари ҳамда турли жамғармалар, марказлар, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини кучайтириш лозим.

Ватани, унинг аъна ва қадриятларини севган, оилани муқаддас, деб билган ҳар қандай ота-она қийин вазиятларда ҳам, аввало, оиласини сақлаб қолишга, фарзандлари учун ўзиникидан кўра яхшироқ келажак яратишга интилади.

Замира ЭСАНОВА,
ТДЮИ доценти,
Баҳром ЭШМУРОДОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИК, СИФАТ ҲАМДА САМАРАДОРЛИК

(Давоми. Боши 1-3-бетларда.)

Ушбу маълумотларнинг барча ўқитувчиларга етиб бориши уларнинг иш фаолиятида изчиллик ва қулайликларни юзага келтириши табиий.

ИЖОДКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Филология йўналишидаги фанлар бўйича узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган, оптималлаштирилган ДТС, ўқув дастурлари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари шу йўналишдаги шўбада муҳокама этилди. Педагогика фанлари номзоди, РТМ



филология фанлар бўлим бошлиғи Муҳаббат Абдураимова умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида она тили дарслиklarининг мазмуни, ДТС шарҳлари, ўқув дастурларидаги айрим мураккаб мавзулар, улар ўрнига киритилган янги мавзуларни слайдлар орқали тахлилий маълумотномада батафсил кўрсатиб берди. Жумладан, матннинг мантиқий изчиллигига риоя қилиш 1-синф, нутқ ва матннинг фарқини билиш 2-синф, матнда қандай тасвирий воситалардан фойдаланилгани 3-синф, муҳокама элементли матн яратиш эса 4-синф ўқувчиларига мураккаблигини назарда тутиб, бу мавзулар бошқа синфларга кўчирилгани, бу камчиликларни бартараф қилишда ишчи гуруҳ олиб борган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

РТМ методистлари Назира Ғуломова ва Дилдора Нуриддиновалар эса адабиёт, ўзбек тили фанлари бўйича дастурдаги ўзгаришлар билан иштирокчиларни таништиришди.

— 1-синф ўқувчилари ўрганаётган Бобур рубойлилари 5-синф дастурига кўчирилди, — дейди адабиёт дастуридаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритган методист Н.Ғуломова. — Шунингдек, «Тўмарис», «Широқ» афсоналари тарих дарслигида мавжудлиги боис, такрорлар бартараф этилди ва А.Обиджоннинг «Одил Бурутшоҳ» асари дастурга киритилди.

9-синфдаги Хенрих Хейне шеърлари ўқувчиларни ўқув дастурига ўтказилиб, Чеховнинг «Ғилоф бандаси» асарини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ўзгаришларни 2010 йилда чоп этилган дарсликларга киритиш имкони бўлмади, бироқ ўқув йили бошлангунга қадар ўқувчилар учун тавсия ва иловалар чоп этилиб, мактабларга етказилди.

— Она тили, адабиёт, ўзбек тили дарсларида ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларнинг болалар ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда синфдан синфга ўтказилиши, айрим мавзуларга қўшимча соатлар берилиши ҳамда мураккаб мавзулар ўқувчилар тизимига кўчирилиши, айрим асарларнинг оммалаштирилиши мақсадга мувофиқ, — дейди Фаргона шахри ХТБ методисти Сайёра Алимова. — Энди ўқитувчи бу ўзгаришларни ижобий қабул қилиб, ижодкорлик билан ишлаши талаб этилади. Мақсад, ўқувчининг ёши, қизиқишларига мос мавзуларни дастур ва дарсликка киритиш экан, ўқитувчи қийинчиликлардан чўчима кетмаслиги керак. Қолаверса, бугунги се-

минарда синфлар кесимида атрофлича тахлиллар слайдлар орқали батафсил кўриб чиқилди.

Иштирокчилар минтақавий семинарлар ўтказиш, дарслик муаллифлари билан учрашувлар ташкил этиш таклифларини билдиришди.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

7-шўба йиғилиши «Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация ва мультимедиа воситаларини ҳамда электрон дарсликларни жорий этиш» мавзусига бағишланди. Унда барча фанларни ўқитишда ахборот технологияларидан дарс жараёнида самарали фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Иштирокчилар умумтаълим мактабларига замонавий таълим технологияларини жорий этиш ҳақида маълумотга эга бўлди. Сўнгра уларга таълим сайтларидаги турли манбалар, интерактив машғулотлар, дарс жараёнига АКТни жорий этиш ва ундан фойдаланиш имкониятлари стратегияси,

дарс ташкил қилиш кўникмаси ҳақида маълумотлар берилди.

— Масофавий ўқитишнинг кўпгина афзалликлари бор, — дейди Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Баҳодир Болтаев. — Бунинг учун мактаб бошқарув таркибида АКТ билан жиддий шуғулланувчи, етарли маълумотга эга бўлган мутахассислар бўлиши лозим.

Ҳақиқатан, АКТни ўқув жараёнига татбиқ этиш натижасида ўқув самарадорлигининг ошиши кузатиш мумкин. Шу билан бирга йиғилишда 2005-2009 йилларда барча мактаб ўқув дарслиklarининг электрон вариантларини яратиш, мактабларни компьютерлар билан тўлиқ таъминлаш ва Интернет тармоғига улаш бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. АКТдан фойдаланиб бошқа фанларга «Электрон дарслик»ларни қўллаш таълим мазмуни бойитади, ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширади.

— Ушбу йиғилиш кўплаб маълумот ва янгиликларни олишимизга имкон берди, — дейди Қашқадарё вилояти ХТБ ахборот хизмати маркази раҳбари Севин Очилов. — Энг асосийси, дарслиklarнинг дизайни, мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида мутахассислар олиб бораётган излашлардан хабардор бўлдик. Шунингдек, таълим муассасаларида электрон дарслиklarни қабул қилиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ҳудудлардаги илғор тажрибалар билан ўртоқлашдик, ходимлар фикр-мулоҳазаларини тингладик.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ: Йўналишда қандай янгиликлар бор?

Эндиликда мактаб битирувчиси нафақат маълум фанлар бўйича билимга эга бўлади, балки халқ хунармандчилиги сир-асрорларини ҳам ўрганади. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, 8—9-синфлар дарс жадвалига, «Технология ва дизайн» ҳамда «Сервис хизмати» йўналишлари мазмунига янги «Халқ хунармандчилиги технологияси» бўлими ҳам киритилди. Биз шу ва шунга ўхшаш янгиликлардан эстетика йўналишидаги фанларга бағишланган шўба тренингда воқиф бўлдик.

Шўба машғулотларига РТМ мусиқа, санъат ва меҳнат таълими бўлими бошлиғи Зулфизар Шамсиева тренерлик қилди. Унда барча вилоятлардан келган педагоглардан тузилган жами 5та

гуруҳга мусиқа маданияти, тасвирий санъат, чизмачилик, меҳнат таълими ва жисмоний тарбия фанларидан узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган ҳамда оптималлаштирилган Давлат таълим стандарти шарҳлари, ўқув дастурларига киритилган ўзгаришлар ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳақида маълумотлар ва бу борадаги тавсиялар берилди.

— Бу семинар машғулотлари ўтказилган мақсадимиз, фандаги янгиликлардан бохабар этибгина қолмай, вилоят, туман педагогларидан тренерлар тайёрлашдир. — дейди З.Шамсиева. — Дастурдаги ўзгаришларга келадиган бўлсак, Давлат таълим стандарти шарҳига кўра, 5—9-синфларда меҳнат таълими фанидаги мавжуд 5та йўналиш 3та йўналиш ҳолига келтирилди. Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин бўлган, такрорланиб қолган баъзи мавзулар қисқартирилди, баъзилари янгидан жорий этилди. Мусиқа маданияти фанидан, жами 23 соатдан 9та мавзу, «Тасвирий санъат»дан 4 соат ҳажмдаги 18та мавзу, жисмоний тарбия фанидан эса, 10 соат ҳажмдаги 10та мавзу оптималлаштирилди. Ишчи гуруҳлар ҳулосалари ва тахлиллари, Илмий методик кенгаш тавсиялари асосида киритилган бу ўзгаришлар энг аввало, ўқувчилар, қолаверса, педагогларга ҳам қулай, енгил бўлиши учун амалга оширилди.

Биз шу аснода семинар қатнашчиларининг машғулоти, киритилган янгиликларга муносабати қандайлиги билан қизиқдик.

Жасур Астанов, Жиззах шаҳридаги 26-ихтисослаштирилган мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари:

— Шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда асосий эътибор ўқувчига кўпроқ билим бериш, у билан ишлаш, қолаверса, устоз-шогирд масалаларига қаратилмоқда. Бу борада педагоглар фаолиятини, уларнинг педагогик юктамаларини енгиллаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Биз ушбу семинар машғулотлари орқали барча фанларда бўлган ўзгаришлардан бохабар бўлдик.

Д.Ниёзметова, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 6-мактаб директори:

— Мана, биз бир неча кун мобайнида семинар машғулотларида ўқидик, ўргандик, янгиликлардан бохабар бўлдик, тажриба алмашдик. Энди галдаги вазифамиз олган маълумот ва билимларимизни ўз вилоятимизга бориб, ҳамкасбларимизга етказишдир.

Ноила Мирзабекова, Тошкент шаҳар касб-хунардаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:

— Эстетика йўналишидаги 4та фаннинг 4та гуруҳ қилиб бўлингани, машғулотлар интерфаол усулларда олиб борилгани фикрларимизни бемалол билдиришимизга замин яратди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 8—9-синф меҳнат таълими ўқув дастуридаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида кенгрок тушунчага эга бўлдик.

Яқуний йиғилишда барча иштирокчиларга анкета саволлари тарқатилиб, ўқув-семинардан олган таассуротлари, талаб ва таклифлари ўрганилди. Қатнашчилар «Биламан», «Билиб олдим» ва «Билишни истайман» каби сўровномаларга жавоб беришди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, Голиб БАХРОМОВ, Башорат ОТАЖОНОВА, Соҳиба МУЛЛАЕВА, Шаҳина ЖўРАЕВА, Анвар ҚОБИЛОВ, Хулқар РАЖАБОВА, «Ma'rifat» мухбирлари

В.ГРАНКИН олган суратлар.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК

— Янги ўқув йили олдидан ўтказилаётган Август кенгашларининг «Худудларда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежалари ўқитувчилари ўқув-семинарларини ташкил этиш тартиби ва мазмуни» мавзусидаги шўба йиғилишида халқ таълими тизими мутахассислари билан биргаликда академик лицей ва касб-хунар коллежалари ўқитувчилари ҳам иштирок этди.

— Тадбирга Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларидан 41 нафар ўқитувчи-тренер иштирок этяпти, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Н.Чинниқулов. — Семинар-тренингга ҳар бир ҳудуддан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мутахассислари ва ўқитувчилари ҳам жалб қилинди.

Асосий эътибор умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг узвийлаштирилган давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурларидаги ўзгаришлар ва ўқитувчилар учун ишлаб чиқилган тақвим-мавзу режаларининг намуналари, ўқув дастурлари бўйича методик тавсиялар ҳамда янги тахрирдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни амалиётга жорий этишга қаратилди.



Шўбада ишчи гуруҳ аъзоси Ҳалима Исмоилованинг тақдироти йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Дарҳақиқат, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг маълумотларига қараганда, ўқув дастурларидаги жами 813 соатлик мавзунинг 247 соати умумий ўрта таълим ўқув дастурларидан чиқарилиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимига ўтказилган. Бунинг натижасида эса ўқув соатлари ўзгартирилмаган ҳолда ўқув мазмуни такомиллаштирилган. Такрорий мавзуларга чек қўйилиб, узвийлик ва узлуксизликка эришилган.

— Семинар давомида Ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари ва дастурларини тахлил қилдик, — дейди Жиззах туман маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори ўринбосари Саид Алиқулов. — Ўқув дастурларидаги баъзи бир камчиликлар бартараф этилган. Баъзи мавзулар ўқувчи ёши, психофизиологик хусусиятларига таъсир қилмасдан қолмасди. Янги дастур асосидаги янги мавзулар ҳам ўқитувчига, ҳам ўқувчига қулай шароит яратади.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

- **Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 584та. Шундан: замонавий типдаги — 359та; мослаштирилганлари — 213та; авария ҳолатидаги — 12та.
- **Мактабларнинг моддий-техника базаси:** дарсликлар таъминоти — 75 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 43 фоиз; компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 17 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 55 фоиз.
- **Вилоят болалар спорти объектлари:** спорт залига эга мактаблар сони — 181та; болалар спорти объектлари сони — 17та; болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 33,1 фоиз; ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 24,5 фоиз.
- **Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 12та. Шундан: замонавий типдаги — 2та; мослаштирилганлари — 9та; авария ҳолатидаги — 1та.
- **Вилоятдаги ҳунар-техника билим юртлари сони** — 32та. Шундан: замонавий типдаги — 12та; мослаштирилганлари — 19та; авария ҳолатидаги — 1та. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари моддий-техника базаси: ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 69 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 0 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 256та.
- Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги: педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 1006 нафар. Шундан: фан докторлари — 0 нафар; фан номзодлари — 8 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 728 нафар. Ўрта махсус, таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 33та. Ҳунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 7000 нафар.
- **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 3та. Шундан: институтлар — 3та. Ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 80 фоиз. Компьютер воситалари билан таъминланганлиги — 174 дона. Профессор-ўқитувчилар — 681 нафар. Шундан: фан докторлари — 15 нафар; фан номзодлари — 257 нафар; аспирантлар — 31 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 8953 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 39та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009



Умумий ўрта таълим

Мустақиллик йилларида вилоят халқ таълими тизимида жами 198 нафар ўқитувчи турли давлат мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, 20 нафари "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси", 3 нафари "Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатган спорт мураббийси", 15 нафари "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонлари, 5 нафари "Эл-юрт хурмати" ордени, 15 нафари "Меҳнат шухрати" ордени, 11 нафари "Дўстлик" ордени, 7 нафари "I даражали Соғлом авлод учун", 30 нафари "II даражали Соғлом авлод учун" ордени, 71 нафари "Шухрат" медаллари билан мукофотланди.

9 нафар ўқитувчи "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йил методисти", "Йил психологи" кўрик-танловларининг Республика босқичида 1-ўринни эгаллади.

2008 йили Чуст тумани "Соғлом авлод" маркази услубчиси Шахрихон Эргашева "Йил ижодкор услубчиси" Республика танловида 1-ўринни кўлга киритди.

Учқўрғон туманидаги 6-ДИМИ ўқувчиси Фарҳод Ҳайдаров 2008 йили Олмаота шаҳрида ўтказилган халқаро математика олимпиадасида ҳамда шу йили Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон математика олимпиадасида 3-ўринни кўлга киритиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Фан олимпиадаларининг республика босқичида иштирок этган ўқувчиларнинг 5 нафари 1-, 3 нафари 2-, 7 нафари 3-ўринни эгаллашди.

2007 йили Наманган шаҳридаги 2-ўқувчилар ижодий маркази "Халқ рақслари" дастаси Ўзбек миллий халқ рақслари республика танловида олий ўрин — Гран-прини кўлга киритди.

2008 йили Учқўрғон туманидаги 6-ДИМИ ўқувчиси Севара Аминжонова Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.

2009 йили Поп туманидаги 16-ДИМИ ўқувчиси Аббосхон Полвонов "Энг фалл китобон" кўрик-танловининг Республика босқичида олий ўрин соҳиби деб топилди.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 136 нафар ўқувчи Республика миқёсидаги турли танлов ва фестивал, спорт мусобақалари ва фан олимпиадалари голиблигини кўлга киритишга муваффақ бўлди.

Олий таълим

2009 йилнинг ўзида Наманган давлат университети талабаларининг 21 нафари халқаро кўрик-танлов ва мусобақаларда, 78 нафари республика миқёсидаги спорт биринчиликларида иштирок этган бўлса, халқаро майдонларда 5та медални кўлга киритди.

Наманган давлат университети талабаси Дилобар Абдурашидова Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.

Наманган давлат университетидида 47 турдаги касбий, ижодий-бадиий ҳамда спорт тўғрақлари ташкил этилди. Талабаларнинг 144 нафари ижодий-бадиий, 644 нафари касбий, 833 нафари спорт-соғломлаштириш тўғрақларига жалб этилган.

Мустақиллик йилларида Наманган муҳандислик-иқтисодий институтида молия, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг, банк иши, қишлоқ хўжалиги махсулотлари технологияси каби янги замонавий йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Институтда 3 йўналиш — "Тўқимачилик хомашёсини дастлабки қайта ишлаш", "Менежмент ва маркетинг", "Тўқимачилик махсулотлари технологияси" бўйича аспирантлар тайёрлана бошланди.

2001 йили вилоятда биринчи бўлиб мазкур институт талабаси Зулхумор Ходжаева Зулфия номидаги Давлат мукофотини кўлга киритди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида мақсадли аспирантурада таълим олаётган Наманган муҳандислик-иқтисодий институти талабаси Матлуба Сайфиева 2008 йили Президент стипендиеси совриндори бўлди.

Институтда 20дан ортиқ иқтисодий талабалар Навоий ва Беруний номидаги давлат стипендиялари совриндори бўлдилар.

Наманган муҳандислик-педагогика институти талабалари Алишер Анваров 2005-2006 ўқув йилида Хитойда, 2007-2008 ўқув йилида Германияда, Шухрат Хидиров 2009-2010 ўқув йилида Хитойда ўзаро ҳамкорлик доирасида ташкил этилган ўқувларда малака ошириб қайтди.

2008-2009 ўқув йилида институт талабаси Саида Абдуллаева техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиеси совриндори бўлди.

2009-2010 ўқув йилида спортнинг волейбол тури бўйича республика "Талаба" спорт уюшмаси томонидан ўтказилган мусобақада Наманган муҳандислик-педагогика институтининг "Парвоз" жамоаси иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Талаба Юлдуз Абдумаликова "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси, "Меҳр нури" жамгармасининг таълим грантлари дастурида иштирок этиб, дипломга сазовор бўлди.

Наманган муҳандислик-педагогика институти информатика факультети талабалари Абдулла Қўзиёв Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат стипендиеси совриндори, Анваржон Маҳмудов Беруний номидаги давлат стипендиеси соҳиби бўлди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Бугунги кунда бoshқарма тасарруфидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида 3та стадион (3таси қишлоқ жойда), 52та футбол (42таси қишлоқ жойда), 103та волейбол (88таси қишлоқ жойда), 101та баскетбол (85таси қишлоқ жойда), 28та мини футбол (22таси қишлоқ жойда), 29та кўл тўпи (26таси қишлоқ жойда) майдони, 122та спорт зали, 5та сузиш ҳавзаси, 32та теннис корти (22таси қишлоқ жойда) каби спорт иншоотлари ўқувчи-ёшларнинг жисмонан соғлом ва етук бўлиб етишишлариغا хизмат қилмоқда.

2001 йили физика фани бўйича НамДУ академик лицейининг 2-курс ўқувчиси Муҳаммад Жамиев Республика саралаш олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, Тайпейда ўтадиган жаҳон олимпиадасида иштирок этди. Шу лицейнинг аниқ фанлар йўналиши талабаси Отабек Саматов АҚШда ўтказилган 42-Халқаро математика олимпиадасида республика миқёсида иштирок этиб, жамоа фахри 4-ўринни эгаллади. 2-курс талабаси Муҳиддин Сайдуллаев эса ёш физикларнинг Жиззахда ўтказилган ёзги таълими мутлақ соҳиби бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Наманган Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Акрам Ҳамидов бокс бўйича Англиянинг Ливерпуль шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 4-ўринни эгаллади.

Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Ҳулқар Сулаймонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлди.

2006 йили ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўртасида бўлиб ўтган "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги Республика кўрик-танловида Учқи туманидаги ижтимоий педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Маҳмуда Қўлматова Республикада фахрли биринчи ўринни эгаллади.

2005 йили Наманган педагогика коллежи қизлар терма жамоаси волейбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида муваффақиятли иштирок этди ва республикада 3-ўринни эгаллаб, бронза медални соҳибига айланди. Икки нафар ўқувчи республика терма жамоаси аъзоси бўлди.

2006 йили Францияда байдарка ва каноэда эшак эшиш спорт тури бўйича ўтказилган Халқаро турнирда Наманган Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Имил Хабибуллин муваффақиятли иштирок этди.

2006 йилнинг 17—18 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида тазквандо бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларида Наманган Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчилари Комилжон Ражаббоев ва Азимжон Абдурахмонов шахсий ҳисобда 1-ўринни, умумжамоа ҳисобида ҳам коллеж жамоаси фахри 1-ўринни эгаллади.

Чуст педагогика коллежи Ахборот-ресурс маркази жамоаси "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази-2009" кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг 12—14 март кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида спортнинг "Карате-До" тури бўйича ўтказилган халқаро турнирда Мингбулоқ туманидаги Ўзгарош маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Р.Ортиқов фахрли 3-ўринни кўлга киритиб, бронза медални соҳиби бўлди.

Чуст туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Илҳом Раҳимов 2003 йили Руминиянинг Бухарест шаҳрида ва 2004 йили Кореяда ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида голибликни кўлга киритди.

Чуст туманидаги 6-олимпия захиралари Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Мадина Аюбова стол тенниси бўйича 4 карра республика чемпиони бўлиб, ҳозирги кунда республика миллий терма жамоаси сафида юртимиз шаянни муносиб ҳимоя қилмоқда.

2004 йили Наманган туманидаги 9-спорт мактаби ўқувчиси Достон Турғунов каратэ бўйича Америкада бўлиб ўтган жаҳон очик биринчилигида голибликни кўлга киритди.

2009 йили ўтказилган Ўзбекистон Республикаси биринчилигида Наманган шаҳар ХТБга қарашли 1-БЎСМ жамоаси фахри 1-ўринни эгаллади.

2009 йил 2—8 ноябрь кунлари Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида белбоғли кураш бўйича III Осиё ўйинлари мусобақасида наманганлик ёш спортчилардан Ж.Абдулжаев (66 кг.) — 1-ўрин, Р.Умаров (73 кг.) — 1-ўрин, Ш.Бозоров (100 кг.) — 1-ўрин, Ҳ.Латипова (58 кг.) — 2-ўрин ва Н.Ҳўйчиев (90 кг.) — 3-ўринни кўлга киритди.

2009 йил 21—30 май кунлари Ереван шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси сафида 27-БЎСМ тарбияланувчиси Бургут Ҳожибоев қатнашиб, фахрли 3-ўринни кўлга киритган.

2009 йили бўлиб ўтган 8-жаҳон ва Осиё чемпионатида белбоғли кураш бўйича иштирок этган вилоят ўқувчиларининг 3 нафари 1-, 2 нафари 2-, 11 нафари 3-ўринни эгаллади.

2010 йили Қарши шаҳрида бўлиб ўтган 1991-92 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида 1-сонли аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Ғайбулло Маҳмуджонов эзо-до бўйича 1-ўринни забт этди.



Чуст педагогика коллежи Ахборот-ресурс маркази жамоаси "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази-2009" кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг 12—14 март кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида спортнинг "Карате-До" тури бўйича ўтказилган халқаро турнирда Мингбулоқ туманидаги Ўзгарош маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Р.Ортиқов фахрли 3-ўринни кўлга киритиб, бронза медални соҳиби бўлди.

Чуст туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Илҳом Раҳимов 2003 йили Руминиянинг Бухарест шаҳрида ва 2004 йили Кореяда ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида голибликни кўлга киритди.

Чуст туманидаги 6-олимпия захиралари Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Мадина Аюбова стол тенниси бўйича 4 карра республика чемпиони бўлиб, ҳозирги кунда республика миллий терма жамоаси сафида юртимиз шаянни муносиб ҳимоя қилмоқда.

2004 йили Наманган туманидаги 9-спорт мактаби ўқувчиси Достон Турғунов каратэ бўйича Америкада бўлиб ўтган жаҳон очик биринчилигида голибликни кўлга киритди.

2009 йили ўтказилган Ўзбекистон Республикаси биринчилигида Наманган шаҳар ХТБга қарашли 1-БЎСМ жамоаси фахри 1-ўринни эгаллади.

2009 йил 2—8 ноябрь кунлари Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида белбоғли кураш бўйича III Осиё ўйинлари мусобақасида наманганлик ёш спортчилардан Ж.Абдулжаев (66 кг.) — 1-ўрин, Р.Умаров (73 кг.) — 1-ўрин, Ш.Бозоров (100 кг.) — 1-ўрин, Ҳ.Латипова (58 кг.) — 2-ўрин ва Н.Ҳўйчиев (90 кг.) — 3-ўринни кўлга киритди.

2009 йил 21—30 май кунлари Ереван шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси сафида 27-БЎСМ тарбияланувчиси Бургут Ҳожибоев қатнашиб, фахрли 3-ўринни кўлга киритган.

2009 йили бўлиб ўтган 8-жаҳон ва Осиё чемпионатида белбоғли кураш бўйича иштирок этган вилоят ўқувчиларининг 3 нафари 1-, 2 нафари 2-, 11 нафари 3-ўринни эгаллади.

2010 йили Қарши шаҳрида бўлиб ўтган 1991-92 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида 1-сонли аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Ғайбулло Маҳмуджонов эзо-до бўйича 1-ўринни забт этди.

Чуст педагогика коллежи Ахборот-ресурс маркази жамоаси "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази-2009" кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг 12—14 март кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида спортнинг "Карате-До" тури бўйича ўтказилган халқаро турнирда Мингбулоқ туманидаги Ўзгарош маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Р.Ортиқов фахрли 3-ўринни кўлга киритиб, бронза медални соҳиби бўлди.



2010

- **Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 682та. Шундан: янгидан қурилганлари — 10та; капитал реконструкция қилинганлари — 181та; капитал таъмирланганлари — 324та; жорий таъмирланганлари — 95та.
- **Мактабларнинг моддий-техника базаси:** дарсликлар таъминоти — 100 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 80 фоиз; компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 81 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 89 фоиз.
- **Вилоят болалар спорти объектлари:** спорт залига эга мактаблар сони — 492та; болалар спорти объектлари сони — 91та; болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 100 фоиз; ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 47 фоиз.
- **Вилоятдаги мусиқа ва санъатта ихтисослаштирилган мактаблар сони** — 17та. Шундан: замонавий типдаги — 3та; мослаштирилганлари — 13та (2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаблар бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади); биноси янгидан қурилаётганлари — 1та.
- **Вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-хунар коллежлари) сони** — 117та. Шундан: замонавий типдаги — 117та. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари моддий-техника базаси: ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 92 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 86 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 434та. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги: педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 9908 нафар. Шундан: фан доктори — 1 нафар; фан номзодлари — 42 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 8631 нафар.
- Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 105та. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 51105 нафар.
- **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 3та. Шундан: университетлар — 1та; институтлар — 2та. Ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 97 фоиз. Компьютер воситалари билан таъминланганлиги — 1160 дона. Профессор-ўқитувчилар — 941 нафар. Шундан: фан докторлари — 30 нафар; фан номзодлари — 373 нафар; аспирантлар — 58 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 13324 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 71та.

**O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim
tojik tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011-o'quv
yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalar**

(Davomi. Boshi o'tgan sonda.)

RO'YXATI

T/r	Darslik va o'quv qo'llanmalar nomi	Mualliflar	Nashr etilgan yili	Ta'minlanish turi
10-sinf				
1	O'zbek tili	M.To'xtamirzayev	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Tojik tili (Zaboni tochiky)	A.Vohidov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Adabiyot	S.Sa'diyev va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Ingliz tili	J.Jalolov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Fransuz tili	V.Buxin va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
8	O'zbekiston tarixi	D.Alimova va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Geometriya	A.Pogorelov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Fizika	M.Shaxmayev va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Kimyo	G.Rudzitis va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdugodirov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Umumiy biologiya	Y.To'raqulov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Amaliy geografiya	A.Rafikov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Chaqiriqqacha yoshlari tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo

11-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiev	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Tojik tili (Zaboni tochiky)	M.Kabirov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Adabiyot (Adabiyot)	A.Qamarzoda va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
5	O'zbekiston tarixi	N.Jo'rayev	2006	kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2006	kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
8	Inson va jamiyat	N.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Geometriya	A.Pogorelov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Fizika	M.Shaxmayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Astronomiya	M.Mamadazimov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Kimyo	A.Muftaxov	2004	kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Ingliz tili	J.Jalolov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Nemis tili	B.Zardinova	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Fransuz tili	Z.Abdushukurova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Umumiy biologiya	A.G'ofurov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Chaqiriqqacha yoshlari tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo

**O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim
qirg'iz tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011-o'quv
yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalar**

RO'YXATI

T/r	Darslik va o'quv qo'llanmalar nomi	Mualliflar	Nashr etilgan yili	Ta'minlanish turi
1-sinf				
1	Alifbe (Alippe)	B.Risbekova va b.	2010	bepul
2	Yozuv daftari (Jazuu depteri)	S.Risbayev va b.	2010	bepul
3	Ona tili va o'qish kitobi (Ene tili jana okuu kitebi)	Q.Abdullayeva va b.	2010	bepul
4	Matematika	M.Ahmedov va b.	2010	bepul
5	Matematika daftari	M.Jumayev va b.	2010	bepul
6	Atrofimizdagi olam	A.Grigoryans	2010	bepul
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva	2010	bepul
8	Tasviriy san'at	R.Hasanov	2010	bepul
9	Musiqa	H.Nurmatov va b.	2010	bepul
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	bepul
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2008	kutubxona fondi
2-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2010	ijara
2	Ona tili (Ene tili)	S.Risbayev va b.	2010	ijara
3	O'qish kitobi (Okuu kitebi)	G.Tuxtabayev va b.	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Matematika	N.Bikbayeva va b.	2010	ijara
6	Atrofimizdagi olam	P.G'ulomov va b.	2010	ijara
7	Odobnoma	Q.Abdullayeva va b.	2010	ijara
8	Tasviriy san'at	M.Isakova va b.	2010	ijara
9	Musiqa	H.Nurmatov va b.	2010	ijara
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	ijara
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2007,2008	kutubxona fondi
3-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev va b.	2010	ijara
2	Ona tili (Ene tili)	S.Risbayev va b.	2010	ijara
3	O'qish kitobi (Okuu kitebi)	A.Zulpixarov	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Matematika	N.Bikbayeva va b.	2010	ijara
6	Tabiatshunoslik	A.Bahromov	2010	ijara

7	Odobnoma	O.Hasanboyeva va b.	2010	ijara
8	Tasviriy san'at	M.Isakova va b.	2010	ijara
9	Musiqa	H.Nurmatov va b.	2010	ijara
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	ijara
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2007,2008	kutubxona fondi
4-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev va b.	2009	ijara
2	Ona tili (Ene tili)	B.Umotaliyeva va b.	2009	ijara
3	O'qish kitobi (Okuu kitebi)	A.Toktomametov va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Matematika	A.Quchqarov va b.	2009	ijara
6	Tabiatshunoslik	A.Grigoryans va b.	2009	ijara
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva va b.	2009	ijara
8	Musiqa	O.Ibrohimov va b.	2009	ijara
9	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2009	ijara
10	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2007,2008	kutubxona fondi
5-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2006	ijara
2	Qirg'iz tili (Kyrgyz tili)	B.Umotaliyeva va b.	2005	ijara
3	Adabiyot (Adabiyot)	K.Ortiqboyev va b.	2005	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2006	ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2007	ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Qiyomova va b.	2007	ijara
7	Fransuz tili	A.Nosirov va b.	2007	ochiq savdo
8	Tarixdan hikoyalar	Q.Usmonov va b.	2007	ijara
9	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2007	ijara
10	Botanika	O'.Pratov va b.	2007	ijara
11	Informatika	B.Boltayev va b.	2008	ijara
12	Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi	P.G'ulomov va b.	2006	ijara
13	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
14	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
15	Musiqa	D.Karimova	2005	kutubxona fondi
16	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2006	kutubxona fondi

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim qirg'iz tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011-o'quv yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalar RO'YXATI

6-sinf			
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009 ijara
2	Qirg'iz tili (Kyrgyz tili)	S.Usenaliyev va b.	2009 ijara
3	Adabiyot (Adabiyat)	B.Alimov va b.	2009 ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009 ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2009 ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009 ijara
7	Fransuz tili «Voyage en France»	Z.Abdushukurova va b.	2009 ijara
8	Tarix	A.Sa'dullayev va b.	2009 ijara
9	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2009 ijara
10	Fizika	N.Turdiyev	2009 ijara
11	Geografiya	A.Soatov va b.	2009 ijara
12	Botanika	O'.Pratov va b.	2009 ijara
13	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007 ijara
14	Informatika	B.Boltayev va b.	2009 ijara
15	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008 kutubxona fondi
16	Musiqqa	S.Begmatov va b.	2008 kutubxona fondi
17	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2006 kutubxona fondi
7-sinf			
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009 ijara
2	Qirg'iz tili (Kyrgyz tili)	V.Musayeva va b.	2009 ijara
3	Adabiyot (Adabiyat)	B.Alimov va b.	2009 ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009 ijara
5	Ingliz tili "Fly High English"	L.Jo'rayev va b.	2009 ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009 ijara
7	Fransuz tili "Bon voyage"	V.Buxin va b.	2009 ijara
8	O'zbekiston tarixi	A.Muhammadjonov	2009 ijara
9	Jahon tarixi	T.Salimov va b.	2009 ijara
10	Algebra	Sh.Alimov va b.	2009 ijara
11	Geometriya	A.Azamov va b.	2009 ijara
12	Fizika	P.Habibullayev va b.	2009 ijara
13	Kimyo	I.Asqarov va b.	2009 ijara
14	Zoologiya	O.Mavlonov	2009 ijara
15	Geografiya	P.G'ulomov va b.	2009 ijara
16	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	M.Qarshiboyev va b.	2007 ijara
17	Informatika	B.Boltayev va b.	2009 ijara
18	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2007 kutubxona fondi
19	Tasviriy san'at	A.Sulaymonov va b.	2005 kutubxona fondi
20	Musiqqa	O.Ibrohimov va b.	2006 kutubxona fondi
21	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005 kutubxona fondi
8-sinf			
1	O'zbek tili	H.Muhiddinova va b.	2010 ijara
2	Qirg'iz tili (Kyrgyz tili)	B.Umiraliyev va b.	2010 ijara
3	Adabiyot (Adabiyat)	M.Parpiyev va b.	2010 ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010 ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010 ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2010 ijara
7	Fransuz tili «Le nouveau voyage en France»	Z. Abdushukurova va b.	2010 ijara
8	O'zbekiston tarixi	Q.Usmonov va b.	2010 ijara
9	Jahon tarixi	U.Jo'rayev va b.	2010 ijara
10	O'zbekiston davlati va huquqi asoslari	O.Karimova va b.	2010 ijara
11	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	R.Qo'chqor va b.	2007 ochiq savdo
12	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sariqov va b.	2010 ijara
13	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2006 kutubxona fondi
14	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010 ijara
15	Geometriya	A.Rahimqoriyev	2010 ijara
16	Fizika	P.Habibullayev va b.	2010 ijara
17	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010 ijara
18	Odam va uning salomatligi	B.Aminov va b.	2010 ijara
19	Geografiya	P.Musayev va b.	2010 ijara
20	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005 kutubxona fondi
21	Chizmachilik	I.Rahmonov	2010 ijara
9-sinf			
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2010 ijara
2	Qirg'iz tili (Kyrgyz tili)	B.Umiraliyev va b.	2010 ijara
3	Adabiyot (Adabiyat)	M.Parpiyev va b.	2010 ijara
4	Русский язык	Y.Azizxonova va b.	2010 ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010 ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Dadaxodjayeva va b.	2010 ijara
7	Fransuz tili «D'un Etat a l'autre»	S.Rahmonov va b.	2010 ijara
8	O'zbekiston tarixi	S.Tillayev va b.	2010 ijara
9	Jahon tarixi	M.Lafasov va b.	2010 ijara
10	Konstitutsiyaviy huquq asoslari	V.Kostetskiy va b.	2010 ijara
11	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	O.Musurmonova va b.	2007 ijara
12	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sariqov va b.	2010 ijara
13	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdudodirov va b.	2006 kutubxona fondi
14	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010 ijara
15	Geometriya	B.Haydarov va b.	2010 ijara

16	Fizika	P.Habibullayev va b.	2010 ijara
17	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010 ijara
18	Biologiya. Sitologiya va genetika asoslari	A.Zikiryayev va b.	2010 ijara
19	Jahon iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi	A. Qayumov va b.	2010 ijara
20	Chizmachilik	I.Rahmonov	2010 ijara
21	Jismoniy tarbiya	T.Usmonxo'jayev va b.	2008 kutubxona fondi
10-sinf			
1	O'zbek tili	M.To'xtamirzayev	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Qirg'iz tili	Sh.O'rinboyeva va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Adabiyot	K.Isroilova va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Ingliz tili	J.Jalolov	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Fransuz tili	V.Buxin va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
8	O'zbekiston tarixi	D.Alimova va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Geometriya	A.Pogorelov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Fizika	M.Shaxmayev va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Kimyo	G.Rudzitis va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdudodirov	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Umumiy biologiya	Y.To'raqulov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Amaliy geografiya	A.Rafikov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
11-sinf			
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Qirg'iz tili (Kyrgyz tili)	S.To'ychiyeva va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Adabiyot (Adabiyat)	A.Zulpixarov va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Ingliz tili	J.Jalolov va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Fransuz tili	Z.Abdushukurova va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
8	O'zbekiston tarixi	N.Jo'rayev	2006 kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2006 kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Xuquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Geometriya	A.Pogorelov	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Umumiy biologiya	A.G'ofurov va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Fizika	N.Shaxmayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Astronomiya	M.Mamadazimov	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Kimyo	A.Muftaxov	2004 kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Inson va jamiyat	N.Jo'rayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007 kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo
22	Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005 kutubxona fondi, ochiq savdo

«Сайнс» журнаlining bir сонида куйидагилар баён этилган: «1995 йили АҚШ Илмий Кенгаши аъзолари қаршида 8 ёшли Ашанти де Сильва исмли ёқимтойгина қизалоқ пайдо бўлди. Уша пайтдаги конгрессменлардан бири Жорж Браун уни кенгаш аъзоларига таништирар экан «Рўпарангизда мўъжизанинг тирик исботи турибди», деди». Хўш, бунда гап қандай мўъжиза ҳақида бормоқда? Маълум бўлишича, бу қизалоқ ирсий касаллик билан огриган. 1990 йилнинг сентябрида уни ген терапияси усули билан даволашни бошлашган. Натижада орадан бир неча йил ўтгач, Ашанти де Сильва соғайиб, тенгдошлари қатори мактабга қатнаб юрибди. Аслини олганда, бу ҳолатни мўъжиза деб аташ ҳам у даражада тўғри эмас. Негаки, эндиликда шундай бир давр келдики, генетика, молекуляр биология, биокимё, шунингдек, техник ва технологик ютуқлар туфайли кенг омма кўз ўнгиде келажак замоннинг тиббиётига асос солиняпти.

Шу ўринда савол туғилади: ген инженерияси (муҳандислиги) ёки терапияси номини олган тиббиёт илми аслида нима? Бунда гендан дори воситаси сифатида фойдаланиладими? Ёки зарарланган генини даволаш назарда тутиладими? Умуман олганда, бу каби кўплаб саволлар ген терапияси номини олган кенг қамровли ва бир қарашда улкан истиқболли соҳа борасида фикр юритилганда туғилиши табиий. Лекин яна бир жиҳатни унутмаслик даркор: келажак давр тиббиёти, деб юритилатган ген терапияси айни пайтда инсоният учун катта хавф ҳам туғдириши эҳтимолдан холи эмас.

УМИДБАХШ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Илмий манбаларда ёзилишича, ген терапияси — бу ген муҳандислиги (яъни биотехнологик) ва тиббий методлар мажмуи бўлиб, улар касалликларни даволаш мақсадида инсон ҳужайраларидаги ген тизимига ўзгаришлар киритишга йўналтирилган. Ушбу жадал ривожланаётган соҳа ДНК тузилишида кузатилаётган ўзгаришлар, бошқача қилиб айтганда, мутациялар туфайли юзага келган нуқсонларни тузатишга ҳамда ҳужайраларда янги ишлаш функциясини жорий этишга қаратилган.

Ген терапияси «хомашё»си сифатида бактерия ҳужайраси кўрсатилади. Уни ҳосил қилиш учун зарур ташкилий қисмлар маълум бир белгилар асосида сараланади, бунда энг муҳими, улар маълум бирикма(аминокислота, антибиотик модда, гормон ёки органик кислотани)ни ишлаб чиқиш хусусиятига эга бўлиши зарур. Ҳосил бўлган генетик ахборот ташувчи зарралар аслида шаклан ўзгарган вирус ёки микроблардир. Бироқ улар айнан ташиш функциясида келиб чиққан ҳолда ижобий мақсадда қўлланилади. Аниқроғи, зарралар ёрдамида организмдаги ҳужайранинг ирсий генетик тизимига ўзгариш киритилади. Жараёнда олимлар юзлаб, минглаб микроблар орасидан кўзланган мақсадга қараб энг мақбулларини ажратиб олади.

Соҳа тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ген тузилишини ўрганиш борасида эришилган ютуқлар, қатор ирсий касалликларни юзага келтирувчи генларни муваффақиятли клонлаштириш, биотехнологияларнинг тез ривожланиши 1989 йилдаёқ назарий таҳминлар ҳамда ҳайвонлар устида тажриба ўтказиш орқали ирсий касалликларни даволашни илк мартаба амалиётга жорий этишга замин яратди.

Жараёнда маълум турдаги вируслар ёрдамида ҳужайра геноми(генлар тўплами)га янги генетик маълумотни муваффақиятли киритиш имкони туғилди. Боиси, шу йўл билан зарур ҳолларда зарарланган генларни даволаш ёки уларни янги функциялар асосида ишлашга йўналтириш мумкин эди. Мутахассислар даволашнинг бундай усулини илмий тилда соматик (жисмоний) ҳужайралар генини тузатиш ёки тўғрилаш, деб ҳам таърифлайди. Мазкур йўналишдаги даволаш усуллари эса ўтган асрнинг 80-йилларига келиб ҳаётий реалликка айлана бошлади. Аниқроғи, шу даврдан генетик маълумотни ташувчи вируслар ишлаб чиқилди, алоҳида генларни ҳосил қилишнинг имкони туғилди, тажрибаларда кемирувчи ва бошқа ҳайвонлар генларини «кўчириш» оdatий ҳолга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, агар даставвал ген терапияси фақат ирсий генетик касалликларни даволашга қаратилган бўлса, кейинги даврларда унинг кўлами назарий жиҳатдан кенгайиб борди. Натижада бугунга келиб ген муҳандислиги ирсий турдагидан тортиб то инфекция касалликларни ўзига хос усулда даволашни назарда тутди.


ҲАММАСИ БИРДАН ЮЗ БЕРМАГАН...

Тиббиётда ген терапияси йўналиши пайдо бўлган, унгача даволаш анча мураккаб бўлган касалликларни ҳам муваффақиятли муолажа қилиш борасида фикрлар туғила бошлагани рост.

Ҳаттоки, саратон, ОИТС, сил каби қатор касалликлардан шифо топиш мумкинлиги борасида дадил фикрлар илгари сурилди. Аммо ҳар ишда бўлгани каби дастлабки амалий натижалар кутилганидек бўлмади, муваффақиятлар бошиданок олимларни хушнуд этмади. Мисол учун, Вестерн Ресерв

организмига ташувчи вирус киритилди ва яқунда муолажа ҳеч қандай салбий акс таъсирларни юзага келтирмагани қайд этилди. 2009 йили ген инженерияси усуллари оғир шаклдаги иммунитет етишмаслиги ва ОИТС билан касалланган беморлар аҳолини яхшилашда муваффақиятли қўлланилди. Қолаверса, Пенсильвания университетиде бутун дунё генетиклари иштирокида қатор кам учрайдиган касалликларга қарши ген муҳандислиги методлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ген муҳандислигининг муваффақиятини белгиланган яна бир ҳодиса 1990 йили Бетес(АҚШ)да рўй берган. Ушунда ҳар 100 минг инсондан биттасида учрайдиган касаллик билан огриган 4 яшар қизалоққа унинг лимфоцитлари киритилган. Даволашнинг ижобий самараси бир неча ой давомида кузатилгач, тиббий муолажа қайтадан ўтказилди. Кейинги уч йил давомида қизча яна 23 мартаба шундай муолажадан ўтди. Натижада беморнинг соғлиги шунчалик яхшиланиб кетдики, у ҳеч қандай инфекциялардан қўрқмаган ҳолда оdatий ҳаёт тарзини кечира бошлади. Кейинги йилларда бундай ташхисли яна қатор беморлар ҳам ген терапияси усуллари ёрдамида шифо топди. Бугунги кунда мазкур хасталик-



ритиш талаб этилади. Шу боис тадқиқотчилар барча сайёҳаракатларни инсон учун зарур маълум генларни ҳужайралар таркибига киритиш усулларини ишлаб чиқишга қаратишди. Бунинг учун эса, аввало, керакли генларни ҳосил қилишни ўрганиш талаб этиларди. Эътиборлиси, кўплаб изланиш ва амалий тажрибалар самараси ўлароқ, мутахассислар қисқа фурсат ичида генларни синтезлашни амалиётга кенг жорий этишди. Бугун мазкур жараёни ҳатто компьютер орқали амалга оширишга ҳам эришилганки, натижада олимлар амалий тадқиқотларни олиб боришда қатор устунлик ва энгилликларга эга бўлди. Би-

ГЕН МУҲАНДИСЛИГИ

КЕЛАЖАК ТИББИЁТИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРА ОЛАДИМИ?

университети тадқиқотчилари томонидан 1989 йили инсоннинг клонлаштирилган генларини ҳужайраларга кўчириш тажрибалари ўтказилди. Айтиш керакки, бу инсонни ген терапияси ёрдамида даволашга илк уриниш эди. Френч Андерсон, Майкл Блез ва Стивен Розенберг бошчилигидаги халқаро олимлар гуруҳи томонидан меланом туфайли ҳаёти сўниб бораётган беморга нисбатан ген муҳандислиги усули қўлланди. Аммо даво чоралари самарасиз кечди. Бу ҳақда «Википедия» электрон манбасида батафсил маълумот берилган.

Кейинги йили оғир шаклдаги иммунитет танқислиги касаллигига қарши ген терапияси усуллари кенг миқёсда ишлаб чиқила бошланди. 1993 йилга келиб мазкур турдаги хасталик аниқланган кўнгилли беморлардан бири генетик муолажа методи билан даволанди. Кувонарлиси, унинг организмига сунъий равишда киритилган оқсон ҳужайралар яна 4 йил мобайнида муваффақиятли равишда фаолият кўрсатиб турган. Шундан сўнг эса, бемордан қайта муолажадан ўтиш талаб этилди. Яна бироз мuddат ўтгач — 1999 йилдан оғир шаклдаги иммунитет танқислиги касаллиги топилган ҳар тўртинчи одам ген терапияси усули билан даволана бошланди.

2003 йилга келиб Калифорния университети тадқиқотчилари гуруҳи шаклан ўзгаририлган генларни бош мия нейронларига кўчиришнинг уddасидан чиқишди. Ҳозир эса мазкур технологияга таянган ҳолда Паркинсон касаллиги(кексаларда марказий асаб тизими хасталиги)га қарши ген терапияси усуллари ишлаб чиқилмоқда.

2006 йили илк марта саратонга қарши ген терапияси ёрдамида самарали курашиш усули намойиш этилди. Мэриленд штати(АҚШ)даги Саломатлик миллий институти илмий ходимлари генетик ўзгаририлган зарралардан фойдаланиб, организмда тезкор равишда катталашаётган меланом (ўсма) аниқланган икки нафар беморни муваффақиятли даволаётгани ҳақида маълумот берилди. Худди шу йили Миландаги Сан-Рафаэло Ген терапияси институтининг Луизи Нальдини ва Брайн Браун бошчилигидаги олимлари соҳада улкан бурилиш ясагани ҳақида эъло қилди. Мазкур олимларнинг илмий ютуғи туфайли эндиликда иммунитет тизими танага киритилган «ёт» ҳужайраларни оsonликча қабул қилиш усули ишлаб чиқилди.

2007 йили Мурфилдс кўз шифохонаси ва Лондон офталмология институти тадқиқотчилари туғма Лебер амаврози (кўз тўрпардасининг зарарланиши ирсий хасталиги)га қарши ген терапиясининг илк синовлари ўтказилганини маълум қилди. Операцияда 23 ёшли британиялик Роберт Жонсон

нинг ген терапияси ёрдамидаги тиббий синовлари Италия, Франция, Буюк Британия ва Японияда ўтказилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, ген муҳандислигига оид кўплаб лойиҳаларнинг аксарий қисми(80 фоизи), асосан, онкологик касалликлар ва ОИТСни даволашга қаратилган. Мазкур соҳадаги тадқиқотлар борасида оқори ривожланиш кузатилаётган мамлакатларда изланишлар ҳисоботлари тегишли идора ва муассасаларнинг мажбурий текширувидан ўтказилади. Хусусан, АҚШда ушбу вазифа Рекомбинант ДНК бўйича консултив марказ, Дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш миллий институти томонидан амалга оширилади. Кўҳна қитъада эса ҳужжатлар Генларни кўчириш ва ген терапияси бўйича Европа ишчи гуруҳи тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

ДАВОЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Мутахассислар ген терапияси икки усулда амалга оширилиши ҳақида таъкидлашади. Биринчиси, *ex vivo*, яъни организмдан ташқаридаги муолажа бўлиб, бундай даволаш усули орган ва тўқималар трансплантациясига таянади. Иккинчи йўли эса, *in vivo* орқали организмнинг ўзидаёқ даволаш йўлга қўйилади. Бир қарашда, ген муҳандислигининг ушбу усулларини амалга ошириш у даражада қийинчилик туғдирмайдигандек. Бироқ бу осон иш эмас. Гарчи муолажалар инсон соғлиғини тиклаш, шу орқали эҳтимол ҳаётини сақлаб қолиш ҳақида борса ҳам, таваккалчилик қилиш ярамайди.

— Тўғри, энг идеал ҳолатда зарарланган гени организмдан чиқариб ташлаш ва унинг ўрнини соғлом билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, — дейди бугунги кунда соҳанинг етакчи мутахассисларидан бири, АҚШ Соғлиқни сақлаш институти илмий ходими Жеймс Макралти. — Аммо ҳозирча маълум сабабларга кўра бу усулни амалга тўлиқ жорий этишнинг имкони йўқ. Шу сабаб кўп ҳолларда касалланган ген инсон танасидан чиқариб ташланмаган ҳолатда қўшимча равишда соғлом ген киритилади, натижада у етишмаётган ҳужайра вазифасини бажаради ёки организмга зарур моддани ишлаб чиқаради.

Олимнинг «Просидингз оф Нейшнл Академии оф Сайнс» журнаliga маълумот беришича, генларда организмда оқсил молекулаларини синтез қилиш учун зарур ахборот сақланади. Ҳужайрадан маълум бир модда синтезланиб ажралаб чиқиши учун эса ундаги генларни мақсадли равишда ўзгаририш ёки унга янги генларни ки-

ринчи босқичдан муваффақиятли ўтгач, тадқиқотчилар гени ҳужайрага киритиш методикаси устида бош қотира бошладилар. Бунда асосий қийинчиликлар тайёр синтезланган гени ҳужайранинг ирсий маълумотлар апаратига киритиш билан боғлиқ бўлган. Аслида айнан шу сабаб, атиги 20 йиллар олдин ҳам ген терапияси муқаррар муваффақиятсиз ва ҳаттоки, ақл бовар қилмас иш сифатида таърифланарди. Боиси, янги ген ҳужайрага шундай аниқ жойлаштирилиши талаб этилардики, яқунда у чиндан ҳам керакли моддаларни ишлаб чиқиши ва зарур вазифани бажариши лозим эди. Яна бир томони: организмга киритилган ген «ёт» модда сифатида қабул қилинмаслиги керак. Буларни эътиборга олган тадқиқотчилар айни кунда организмга ёт ДНКни киритишнинг ўзига хосликларини ўрганиш ва генетик заррани танага муваффақиятли киритиш усулларини аниқлаш борасида кўпроқ тажриба ўтказмоқда.

МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИКЛАР ҲАМ БЎЛГАН

Бир қарашда ген терапияси шу пайтгача давосиз деб юритилаётган қатор касалликлар «даври»га барҳам берадигандек. Лекин ютуқларга қарамай, кутилаётган ижобий натижаларга асосан моделларда эришилган. Инсон эса намуна эмас. Моделларда идеал тарзда кечган жараёнлар инсонда маълум ўзгаришлар билан рўй беришини ҳеч ким инкор этмайди. Бундай ўзгаришлар ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Демак, аслида шифо бериш мақсадида яратилган заррани соғлом ҳужайраларга зарар етказмаган ҳолда етказиш, қолаверса, кейинчилик ҳам унинг таъсирини даволаш билан бир касаллик кузатилмаслигини таъминлаш асосий вазифалигича қоляпти.

Шу ўринда, ген терапияси ўзининг ривожланиши йўлида йўқотишларсиз, муваффақиятсизликларсиз кечмаганини алоҳида таъкидлаш зарур. Биргина мисол: 2000 йили кузда Пенсильвания университети шифохонасида 17 ёшли бемор Жессе Гелзингер ҳаётдан кўз юмди. Бу ерда у ген терапияси ёрдамида ирсий жигар хасталигидан даволанаётган эди. Текширувлар бемор организмга киритилган ташувчи вирусга иммунитетнинг ўта фаол реакцияси туфайли вафот этганини кўрсатди. Натижада, кўплаб органлар ишдан чиққан ва ўз фаолиятини амалга ошира олмай қолган. Лекин шуниси эътиборлики, Гелзингер ўзи каби қонда аммиак миқдори ошиши билан белгиланган бундай касалликка чалинган кўплаб инсонлардан ҳам анча соғлом эди. Ундаги хасталик авж олиб кетишининг олдини

кам оксилли махсус парҳез ва аммиакни организмдан чиқариб ташловчи дорилар билан олиш мумкин эди. Шундан сўнг Жессининг ўлими ген терапияси усуллари жорий этишни бошлаётган кўплаб тиббий марказлар учун жиддий огоҳлантиришдек бўлди. Чунки 30 фоиз ҳолларда генларни организмга киритишда ташувчи аденовируслардан фойдаланилади, деб ёзади sciencedaylu.com сайти.

Нохуш ҳодиса рўй бергач, мамлакатнинг Дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бошқармаси жигарга аденовирусларни киритишга қаратилган навбатдаги иккита муолажани дарҳол тўхтатишни буюрди. Кейинги суриштирувларда мазкур хасталикни даволаш жараёнида иштирок этаётган кўнгиллилар организмга вируснинг жуда ҳам кам миқдорда киритилишидаёқ жигарда захарли модда ажралиб чиқиши кузатилгани аниқланган. Бироқ Рекомбинант ДНК бўйича консультатив марказга бу ҳақида хабар берилмаган. Агар марказ вазиятдан хабардор бўлганида у тезкор равишда тажрибаларни тўхтатган ва шу тариқа эҳтимол беморнинг ҳаётини сақлаб қолган бўлар эди. Шунга қарамай, Жесси Гелзингер айнан қай бир сабаб туфайли вафот этгани номаълум. Марказ берган маълумотларга қараганда, Гелзингергача 17 нафар бемордан фақат учтасининг аҳволи яхшилангани сезилган. Нима бўлганида ҳам, беморнинг ўлими ташувчи вирусни организмга етказиш методикасини қайтадан кўриб чиқиш талабини туғдирди.

ФАҚАТ ЭЗГУ МАҚСАД КЎЗЛАНИШИ ШАРТ!

«Нейчэ биосайнс» журналида келтирилишича, айни пайтда кам учрайдиган ва саратон, юрак-қон томирлари ҳамда иммунитет танқислиги касалликларининг 40та турини даволашда ген терапияси усуллари синалмоқда. Бўй ўсишига халал берувчи геннинг ирсий етишмаслиги ҳам бу турдаги муолажа ёрдамида ижобий ҳал этилиши кутилмоқда. Саратонни даволашга қаратилган ген муҳандислиги методлари юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам анча жадаллашяпти. Бу касалликни даволаш усули сифатида зарарланган ҳужайраларга уларни нобуд қилувчи оксилларни ишлаб чиқарадиган генларни киритиш кўрсатилиб, бу йўналишда амалий тажрибалар ўтказилляпти. Аср вабоси дея таърифланаётган ОИТС ҳам ген инженерияси ёрдамида даволанишига олимлар катта умид боғлашган. Бу касалликни даволашда қийинчилик туғдирадиган жиҳат шуки, гарчи бу инфекция орқали юқадиган бўлса-да, вирус ҳужайра геномига тушгандан сўнг у ерда бутунлай қолиб кетади. Шундан ОИТС, саратон каби геном касаллиги сифатида таърифланади. Айни пайтда айнан шу жиҳат уни ген терапияси ёрдамида даволашга умид туғдиради.

Ҳа, чиндан генларни бошқариш, уларни геномнинг белгиланган қисмига генетик ахборотни ташиш мақсадида киритишга имкон яратадиган янги технологияларнинг пайдо бўлиши биология ҳамда тиббиёт соҳасида улкан бурилиш бўлди. Натижада, ҳозирнинг ўзидаёқ инсон геноми ҳақида тўпланган маълумотлар асосида қатор жисмоний, руҳий ва интеллектуал кўрсаткичларни назарий жиҳатдан яхшилашга эришилган. Бироқ шу ўринда хавотирли савол туғилади: одамзоднинг ўз геноми устидан тўла ҳукмрон бўла олиши фақат ижобий ҳолатмикан? Тўғри, ген терапияси борасида дастлабки шубҳалар асоссиз экани тасдиқланди, бундай муолажа кўплаб касалликларни даволашда мақсадга мувофиқ экани аниқланди. Аммо барча терапевтик чора-тадбирлар фақат аниқ бир шахс — беморга қаратилиши ва айнан унинг касаллигини даволашга йўналтирилиши масаласи ген терапияси усуллари қўлланилаётган пайтда ягона ва мажбурий чеклов бўлиши талаб этилади. Ҳар ҳолда, дунё мутахассислари шундай фикрни илгари суришмоқда. Улар шу йўл билан юзага келаётган қатор ишончсизлик ва ҳаттоки, норозиликларга қарши туриб, ген терапияси фақат ва фақат шифо бериш, соғлиқни тиклаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилишига эришмоқчи.

Наргиза ИБРОҲИМОВА

ОЧЛИК ҲИССИНИ ЙЎҚОТИШ МУМКИНМИ?

Олимлар табиий йўл билан очлик ҳиссига барҳам бериш усуллари топишди. Бу ҳақида «Сайнс-Нау» манбасида маълум қилинди.

Ҳар хил парҳезлар ёрдамида озишга ҳаракат қилаётган одамларни асосан очлик ҳиссидан халос бўлиш муаммоси қийнайди. Айнан шу жиҳат кўп ҳолларда озиш жараёнининг самарасини белгилаб беради. Буни эътиборга олган ҳолда изланиш олиб борган Йель университети (АҚШ) олимлари мазкур масалага ечим топди. Аниқроғи, улар очлик ҳиссини бартараф этиш учун миядаги пролил карбоксипептидаза (ПРКП) ферменти миқдорини камайтириш зарурлигини аниқлашди.

Мутахассислар лаборатория шароитида кемирувчилар устидан тажриба ўтказган ва натижалар уларни ҳайрон қолдирган. Сабаби, ҳайвонларда ПРКП моддаси сунъий равишда камайтирилганда уларнинг тана вазни анча камайган. Энг муҳими, бу уларнинг фаоллиги даражасига таъсир ўтказмаган, яъни кемирувчилар тажрибадан олдин қанчалик ҳаракатчан бўлса, яқунда ҳам худди шундайлигича қолгани кузатилган.

Тадқиқот муаллифи Сабрина Диано сўзларига кўра, организмда метаболик жараёнларни бошқарувчи ферментларни назорат қилиш орқали тана вазнини бир меъёрга сақлашга эришиш мумкин. Қолаверса, олинган натижаларга таянган ҳолда келгусида ортиқча вазнини йўқотиш ва семиришга қарши янги методлар ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда.



ЭНГ ФАРОЙИБ ТАБИИЙ ҲОДИСАЛАР

Буюк Британияда чоп этиладиган «Индепендент» нашрида бугунги кундаги энг ноодатий 10та табиат ҳодисаси рўйхати эълон қилинди. Қизиғи шундаки, мазкур ҳодисаларнинг аксарияти ҳалигача олимлар учун жумбоқлигича қолмоқда.

Рўйхатнинг энг охири поғонасида атмосферанинг юқори қатламларида сайёрамиз магнит майдони ва Қуёш шамоли ионлари таъсирида юзага келадиган шимол ёғдуси кўрсатилган. Навбатдагиси пенитентес бўлиб, бу юқори тоғли ҳудудларда вужудга келадиган баланд ингичка муз устунлардир. Уларнинг пайдо бўлиши сабаби ҳалигача илмий асослаб берилмаган.

Саккизинчи поғонада Миср эҳромлари қад кўтарган Ўлим водийсидаги ҳаракатланувчи харсанг тошлар ўрин олган. Олимларнинг айтишича, ушбу тошлар узундан-узун излар қолдириб, «кўчиб юради». Энг ажабланарлиси, уларнинг ҳаракатини видеотасвирга ҳалигача тушириб бўлма-япти. Галдагиси кўп қаватли момақалдирок бўлиб, бу табиат ҳодисаси баландлиги 10—15 километр ва диаметри тахминан 50 километрга тенг ёмғир булути туфайли ҳосил бўлади. Натижада ўта хавфли табиий офатлар — қуён, шиддатли бўрон ва қаттиқ дўл кузатилади. Олтинчи ўринда баландлиги 60 метргача етиши мумкин бўлган оловли устун кўрсатилган ва у торнадо(гирдоб)га ўхшаб юзага келади.



Ўта паст ҳароратда сув юзасида кузатиладиган музли айланалар ғайриоддий табиат ҳодисалари рўйхатида бешинчи бўлиб қайд этилган. Ундан олдин гравитацион тўлқинлар тилга олинган бўлиб, гарчи мутахассислар уларнинг мавжудлигини исботлашган бўлса-да, айни кунгача амалда унинг кузатилишига биронта ҳам далил тақдим эта олинма-япти.

Рўйхатнинг энг юқори уч поғонасидан бирига сув ўтларининг гуллаши ҳодисаси лойиқ топилган. Ушбу жараён содир бўлганида сувнинг катта қисми қип-қизил рангга бўялиши кузатилади. Иккинчи ўринда оловли камалак ёки горизонт ёйи номини олган табиий феномен кўрсатилган. Бу турдаги табиат ҳодисаси булулларда муз кристалларининг фақат горизонтал ҳолатда жойлашуви юз бергандагина патсимон чўзилган юпка булуллар фониди камалак шаклида пайдо бўлади. Ва ниҳоят рўйхатнинг энг юқори поғонасига Таос ҳам (инглизча Таос шовқини сўздан олинган) ҳодисаси қўйилди. Тадқиқотчилар неча йиллардан бери жўяли изоҳ тополмай келаётган мазкур ҳодиса аслида АҚШдаги Таос шаҳри яқинидаги ҳудудларда номаълум сабабларга кўра, ер остидан келадиган товушлардир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга падари бузруквери
Жуманазар ота ХОЛБЕКОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ma'rifat"—"Учитель Узбекистана" газеталари тахририяти жамоаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга отаси
Жуманазар отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



ЁРУҒЛИК — АХБОРОТНИ САҚЛАШ МАНБАИ

Саррей графлиги университети профессори Отвин Хес ва Солфорд университети олими Алан Бодман нур оқимларини секинлаштириш, тўхтатиш ва ҳаттоки ушлаб қолиш хусусиятига эга янги технологияни тақдим этишди. Уларнинг тадқиқоти «Информацион технологиялар» журналида чоп этилди.

Янги кашфиёт* ҳисоблаш борасида мислсиз тезликка эга бўладиган квант компьютерлари ва янги авлод интернет тармоғини яратиш каби истиқболли ишланмаларни яратишда қўл келади.

Яқин-яқингача ахборотни ташувчи асосий зарралар сифатида электронлар кўрсатилар эди. Ёруғлик технологияси ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаганди. Янги ишланма амалдаги электродлар асосида яратилган маълумотни сақлаш ускуналарига нисбатан унумдорликни ошириш имконини беради.

Ихтирочиларнинг таъкидлашича, ёруғликни секинлаштириш ҳозирда ахборот узатиладиган оптик (ёруғлик) тармоқлардаги тезликни ошириш имконини беради. Тадқиқотчи Отвин Хеснинг математик таҳлилга асосланган назариясига кўра, агар конус шаклидаги қалин шишадан призма яратилса, унга кирган оқ рангдаги нур маълум нуқтада тўлиқ тўхтаб қолади. Оқ нур бу турли частотага эга ранглар мажмуи ҳисобланади, конусга кирганда эса ҳар бир рангдаги нур ўз нуқтасида тўхтади. Соддароқ тилда айтадиган бўлсак, олимлар тажриба орқали камалакни «тутиб» олишнинг уйдасидан чиққан. Ёруғликнинг тўхтатилишига бунчалик кўп эътибор берилишини мутахассислар қуйидагича изоҳлашмоқда:

— Ахборотларни миллиард пакетлар ҳажмда узатишда уларнинг баъзилари тармоқда тўхтаб, «тиқинлар» ҳосил қилади. Оптик назорат эса маълумотлар пакетининг баъзиларини тўхтатиб туриш орқали қолганлари (муҳимроқлари)ни тезкор узатишга имкон туғдиради.

БИР ЗУМДА ТЕКШИРАДИ


Одатда шифокорларга тўқиманинг бирон қисми битиб кетгани (масалан, трансплантациядан сўнг) ёки нобуд бўлганини (тери куйган пайтда) билиш учун ўртача уч кун вақт талаб этилади. Аммо Канаданинг Миллий тадқиқотчилик кенгаши олимлари томонидан тақдим этилган янги сезувчан ускуна мазкур масалага дарҳол ойдинлик киритиш имконини беради. Илмий янгилик ҳақида «Мембрана» манбасида батафсил баён берилган.

Қурилма инфра-қизил нурлар манбаи ва ўта сезувчан камерадан ташкил топган. У зарарланган ёки кўчирилган тўқиманинг қанчалик соғлом эканини кўрсатувчи тасвирни ўзига хос равишда тиббий текшириш технологияси асосида ишлайди. Жараёнда тўқимадаги қон ва кислород миқдори аниқланади.

Ускуна маълумотларни қайта ишлаб ва бир неча мураккаб математик ҳисоб-ки-тобларни амалга ошириб, шифокорга тўқиманинг маълум қисми етарлича қон билан таъминланаётгани тўғрисида маълумот беради.

Тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Майкл Сованинг таъкидлашича, илмий янгилик жароҳат ва куйиш муолажаларидан сўнг тўқималар ҳолатини визуал текшириш талаб этиладиган тиббиёт йўналишларида айниқса қўл келади. Ишланма охириги 5 йил давомида мамлакатдаги «Саннибрук» шифохонасида синовдан ўтган. Шифокорларнинг сўзларига кўра, тажриба пайтида ускуна атиги бир дақиқа ичида жароҳат ҳақидаги батафсил маълумотни олиш имконини берган. Энг муҳими, мазкур жараён беморда ҳеч қандай нохуш ҳиссийларни уйғотмаган.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



"Ma'rifat"—"Учитель Узбекистана" газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Роза Мамедовага онаси
Альфенур МАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицейи жамоаси академик лицей директори С.С.Жуманазаровга отаси
Салайдин ота ЖУМАНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

S

Semizlikni qo'y ko'tarar. O'z ma'nosida qo'y kichik tuyoqlari bilan ko'ppudli tanani ko'tarib, semirib yuradi. Majoziy ma'noda esa, maqol odamzodga nisbatan ishlatilib, ko'rmagan odamning ko'rgani qursin, degandek, sal "jir bitgan", ya'ni amal tekkan, boyigan, imkoniyati kengaygan damlarda bosar-tusarini bilmay qolgan kishilarga qarata kinoya, kesatiq, istehzo sifatida shu maqolni keltiradilar.

Sinamagan otning sirtidan o'tma. To'g'ri ma'noda o'zing bilmagan, ko'rmagan otning yaqiniga borma. Hurkak va minilmagan bo'lsa, olddan tishlashi, ketdan tepishi mumkin, deya ogohlantirilayotir. Ko'chma, majoziy ma'noda esa, o'zing yaqindan bilmagan, ishonmagan, shubhalangan ishingga bosh qo'shma, har xil odamga qo'shilma, boshi berk ko'chalarga kirib qolma, to'g'ri yo'ldan adashma, hamisha ziyrak va hushyor bo'l, degan pand-nasihat sifatida qo'llaniladi. Muqobillari: "Otni tepmaydi, itni qopmaydi dema"; "Yuvvosh otning tepkisi qattiq bo'ladi".

Suv bir loyqalanmay, tinimas. Bu maqol asosan insoniy munosabatlarga taalluqli bo'lib, yosh oila, er-xotin, yangi do'stlar o'rtasida avvaliga anglashilmovchilik, qarama-qarshilik, konflikt chiqib, so'ng suv bir loyqalanib, tiniganidek ular o'rtasida o'zaro do'stona, yaxshi munosabatlar qaror topadi. Yangi turmush qurgan kelin-kuyov ham dastlab bir-birining fe'l-atvoriga, kelin yangi tushgan xonadonning shart-sharoitiga ko'nika olmaydi. Oqibatda o'rtada nari-bera gap-so'zlar, achchig'u arazlar bo'lishi mumkin. Ammo bu vaqtincha hodisaga murosa-yu madora bilan bardosh berish kerak. Tez orada hammasi izga tushib ketadi, degan ma'noda qo'llaniladi.

Sulton suyagini xo'rlamas. Ikki ma'noda qo'llaniladi. Birinchisi, ijobiysi, inson o'z qavmi, yaqinlari, qarindosh-urug'ini hamisha qo'llab-quvvatlashi, yordam berishi, o'z inikilarga vafodor bo'lishi lozim degan aqida. Ikkinchisi, salbiysi, o'z odamlari, shaxsiy sadoqatli kishilari, oshna-og'aynisi, yaqinlarini, ular bunga noloyiq bo'lsa-da, "yog'liq" lavozimlarga ko'tarib, o'z amalini suiiste'mol qilgan amaldorga nisbatan kinoya, kesatiq, istehzo, shama, tanqid sifatida ishlatadilar. Sulton - rahbar, boshliq. Suyak - yaqini, qondoshi, jigari.

So'raganning bir yuzi, bermaganning ikki yuzi qora. Bu bilan "Birov sendan hojati uchun biror narsa so'ragudek bo'lsa, necha xijolatlar tortadi, yuzini sarg'aytiradi. Shunday holatdagi odamning hojatini imkon qadar chiqar. Yo'q bo'lsa, yo'q, degin. Bor bo'la turib, bermasang, bu sening qizg'anchiqliging, ziqnaliging alomati bo'ladi. Sen yashirganing bilan Xudo ko'rib turibdi. Bu qilmishing sabab ikki yuzing qaro bo'ladi, ikki dunyoing kuyadi, do'zaxi bo'lasan", degan gapni aytadilar.

T

Tekinga mushuk oftobga chiqmaydi. Muqobillari: "Nasiyaga maymun o'ynamaydi"; "Quruq qo'lga qush qo'nmas". Bunday maqollarni ta'magir, qo'lga qaraydigan, poraxo'r odamlar faoliyatiga baho sifatida ishlatadilar. Bir ishingni bitkazishni istasang, ish bajaruvchi, ma'murning og'zini moyla, "Quruq qoshida og'iz yirtar" ma'nosida qo'llaydilar. O'z ma'nosida, mushukni oftobga chiqarmoqchi bo'lsang, oldiga u xush ko'rgan xo'rakni topib qo'y, demoqchi bo'ladilar.

Teng tengi bilan, tezak qopi bilan. Mazkur maqol xalqimiz ichida, har kim o'z teng-to'shi, kasbdoshi, saviyadoshi bilan davradosh bo'lishi kerak. "Yoshning yo'rig'i boshqa, qarining to'rig'i boshqa", deya tenglik va hamjihatlikka chorlaganlar. Teng tengi bilan tirik, degandek, tezak ham qopi bilan tik turadi, ortilganda ham, sotilganda ham qopi bilan sotiladi, degan ma'no anglashilgan. Muqobillari: "Odam odam bilan, pista bodom bilan"; "Teng tengi bilan, to'n yengi bilan"; "Bosh boshga, yorg'uchoq toshga"; "Tezakchining tengi bor, o'roqchining o'rni bor".

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

КАРМАНА ХУНАРМАНДЧИЛИК МАКТАБИ

унда чармга ишлов бериш санъат даражасига кўтарилган

Халқимиз азал-азалдан хунармандчилиги билан машҳур бўлган. Яъни йўқдан бор қилиб, рўзгорларини тўқис, кўнгилларини хушнуд этишган. Шу ўринда қайд этиб ўтмоқ жоизки, хунармандчилик кишидан ўзига хос укув, меҳнатсеварлик билан бирга катта сабр-тоқат, зукколик ҳам талаб этган.

Қадим Карманада ҳам хунармандчиликнинг ўзига хос мактаби яратилган, десак муболаға бўлмас. Айрим ҳудудларнинг «Кулоллар», «Бешикчилар», «Темирчи тўп» каби номлар билан атаб келингани бунинг далилидир. Биргина чармдан ҳар хил рўзгор буюмлари ва турли хил маҳсулотлар тайёрланган. Чармгарлар уч хил кўринишда, яъни чармни чакки қилиб пиширишиб ундан чакки ковуш ва чакки этиклар тиқишган. «Меш чарм» обдон пиширилиб, ундан идишлар, супралар тайёрлашган. Учинчиси эса «Бўлғор чарм» дея юритилиб, ундан ковуш-маҳси, этик, шунингдек уй ҳайвонлари учун айил, нўхта, қамчин, юганлар ясалган.

Чарм асосан мол, қўй, эчки, туя

каби уй ҳайвонлари терисидан тайёрланган. Бунда дастлаб тери сувга солиб ивителиди, сўнгра ёғоч устига тўшалиб гўшт қолдиқларидан эҳтиётлаб обдон тозаланган. Жараён саксовул, ишқори очилмаган оҳак солинган идишга тозаланган терини 24 соат давомида бўқтириб қўйиб билан давом эттирилган. Ундан кейин ёғочга илиниб мўйдаст деган асбоб билан жунлардан тозаланган. Тери тоза сувли идишга солиб юмшаб латтадек ҳолатга келгунча тепилган. Шундан сўнггина сувдан олиб тузлаб қўйилган.

Айтишларича, чармгарлар маҳсус ўчоқлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Ўчоқнинг олов ёнадиган қисми ер остида бўлиб, ер устига ўттиз-қирқ сантиметр чиқиб турадиган мўрилар ўрнатилган. Ўчоқ ичидаги олов ўт олмаслиги учун ҳаво кирувчи тўйнуқ қилинмаган. Чунки қамиш ёнмасдан туташа керак. Мўрининг тепа қисмидан қамиш тиқилиб, ундан чиққан тутунга тери товланган. Шу аснода терилар дудлангач, тайёрлаб қўйилган чуқурга тахланиб устидан қозонни тўнтариб қўйишган. Эртаси куни эса терилар оқар сувга ташланиб,

тузи кетгунча ювилган. Қадимда тайёр бўёқ бўлмагани учун чармгарлар бош пиёз ва қозоннинг қорасидан фойдаланишган. Жигарранг бўёқлар эса тут дарахти замбуруғларини қайнатиш орқали ҳозирланган. Рангланган терининг орқа томониغا қизитилган ёғ супурги билан сепаб чиқилиб, сўнгра офтобда чонлаш жараёни бошланган. Чон икки томони капкирга ўхшаш асбоб бўлиб, у орқали тери текисланиб, қалин жойлари юпқалаштирилгач, ўтмас чон билан терига пат берилган. Шундан сўнг тери узун ёғочга бўйни томонидан ташланиб, липчўп дея аталувчи таёқ билан пардозланган. Бу билан тери худуди дазмолланган мато сингари силлиқлашади.

Косибчиликнинг ҳам тери билан боғлиқ жиҳатлари бор. Яъни косиблар терини ошлаб, юмшоқ ҳолатга киргач, ундан бош кийимлари, пўстин, нимчалар тиқишган.

Чармгарлик анча мураккаб саналиб, донгдор усталар ўз шогирдларига бу хунар сирасорларини ойлаб сидқидилдан ўргатишган.

Ана шу меҳнатлар ортидан Карманада чармгарлик санъат даражасига кўтарилган ва авлоддан авлодга ўтиб келган.

Кармана халқ хунармандчилиги мактаби билан қизиқиб, жуда кўп маълумотларга дуч келдим: тароқ қадимда фақат ўрик дарахти танасидан ясалиб, соч тароқ ва соқол тароқларга ажратилган экан. Кўпчилик сартарошлар ҳамто тиш олишни ҳам билишган ва унда темирчилар томонидан тайёрланган маҳсус омбурлардан фойдаланишаркан.

Бугун юртимизда халқ хунармандчилиги ривож топган. Жараёнлар катта-катта устахоналарда, юксак технологиялар асосида амалга ошириляптир. Албатта, бундан қувонсак, фахрлансак арзиydi. Лекин бой тарихимизнинг ажралмас қисми саналган аждодларимиз томонидан эъозланиб келинган халқ хунармандчилигига даҳлдор маълумотларни билиш, ўрганиш ва қадрлаш биз ёшларнинг муқаддас бурчимиздир.

Дилора НЕЪМАТОВА,
Навоий давлат педагогика
институтининг тарих
факультетининг талабаси

Сени Лайли Раънодек ажойиб Дилрабо дерлар ...

(Кўшиқдан)

Дилрабо, нахот, бир йилимни ўтказдим сенсиз? Нахот, бир йил бўлди сени кўрмадим! Осмон узилмади, ер ёрилмади. Демак, шундай яшаса ҳам бўлар экан-да!

Фақат, фақат... шеърларим каби сенсиз ҳаётимнинг қофияси келишмаяпти. Ҳеч ким билан уришолмаяпман, чиройли кулолмаяпман, би-

Бир? Уч?.. Ўнта?.. Мен эса, ундан кўпроқ яхши дўстлар орттирдим. Фақат уларнинг ҳеч бири сенга ўхшамайди.

Кеча кутубхонага бордим. Эсингдами, доим сен билан кутубхонада пичирлашиб, севинчимизни ичимизга ютиб кулганимизда томоғимизга нимадир тиқилиб, оғриб қоларди. Кеча мен ҳеч ким билан

ДИЛРАБО

ровларга ҳазил қилишим ҳеч ярашмаяпти.

Гўзал жойлар беўхшов, хўмрайганча сени сўрайди. Музқаймоқлар мазасиз, атир совунга ўхшайди. Турнажон! Бугун ўн мингинчи марта сен менга етишмаяпсан. Жудаям етишмаяпсан...

Ўтган тўрт йил яхши-ёмон кунимизни биргаллашиб бошдан кечирдик. Энг қийин имтиҳонларни бир-биримизга латифалар айтиб топширдик. Биргаликда ҳар кунимиз чанғи учадиган қор йўлидек силлиқ ва равон эди. Қишлар гўзал, баҳорлар бетакрор... Бирдан қайдандир ичиқора «вақт» пайдо бўлди-да, ёшлигимизни олгани етмаганидек, бизни ҳар тарафга отди-ю, «қайтим»-га ҳар биримизга бир сиким хотира қолдирди-кетди.

Турнажон, инсон ҳаётида неча марта яхши дўст топади.

гаплашмадим, кулмадим ҳам. Лекин, негадир, томоғимга нимадир тиқилди-ю, қалбим оғриди. Сени жудаям соғиндим! Жудаям...

Ишонасанми, ҳозир мен ҳикоялар ёзмайпман. Умуман, ҳеч нарса ёзмайпман. Расм ҳам чизмайман, олдингидек ҳафса-ла билан бирон нарса ясамайман ҳам. Чунки ёнимда биринчи ўқувчим, танқиди ёқимли танқидчим, эътиборли алқовчим йўқ. Қара, сенга бир варақ хатниям тузукроқ ёзолмаяпман. Мен ҳиссиётларимни, олдинги хотиржамлигим, олдинги мусиқамни — СЕНИ йўқотдим!

Ҳа, айтгандек, мен ҳозир тез югурадиган бўлганман. Фақат тез югура бошлаганимдан бери доим ВАҚТ ўзининг қора оти билан тушларимга кириб, ортимдан тинимсиз чопидади. Чопади, чопади... Бисотимдаги бор-будимни бирин-

Тууг'и

кетин олиб кетаверади. Олдинлари эвазига ҳеч бўлмаса «хотира», «уй» деган садақаларини берарди. Ҳозир эса, мен бир айрилиқдан иккинчи айрилиққа улгуролмаяпман. Дилрабо, биз ВАҚТ билан яхши устоз-шогирдга айландик... Кунларим ана шундай ўтапти...

Ҳа, яна бир гап. Сенинг расмингни доим ёнимда олиб юраман. Кўрганлар сени чиройли қиз экан дейишади. Ҳа, ростдан ҳам сен чиройлисан! Қалин тимқора қошинг, узун-узун киприқларинг, юзингга тушган нуқта холинг, ҳатто баландгина бўйинг ҳам ўзингга ярашиб туради.

Дилрабо, эртага мен Тошкентга қайтаман. У ерда эса, сен бўлмайсан. Ҳеч ким мени лақабимни айтиб, чин дилдан хурсанд бўлиб, кичқириб қўтиб олмайди. Ҳеч ким сенга ўхшаб елкамдан уриб йиғлаб бермайди. Мен ҳам саргузаштларимни энг майда икир-чикирларигача тўлиб-тошиб гапириб беролмайман. Тунларни тонга улаб қикирлашиб кулишолмаймиз. Сирларимизни ўзгалардан қизғониб пичирлашиб гаплашолмаймиз. Кутубхоналар бўм-бўш... Музқаймоқхоналар жим-жит...

Сен менга жудаям етишмаяпсан...

Фароғат ЖАББОРОВА
Хитой, Пекин

ЯНГИ ЮТУҚ ВА ИНТИЛИШ САРИ

Учкудук туманидаги 7-умумтаълим мактабида ташкил этилган 5та спорт секциясида 104 нафар ўқувчи мунтазам машғулотлар билан шуғулланиб келди. Мактаб директори Адиба Рўзиева сазй-ҳаракатлари билан ўтказилиб келинаётган спорт мусобақалари, тадбирлари ҳам ёшлар ўртасида жисмоний маданиятнинг ривожланишига, соғлом турмуш тарзининг қарор топишига туртки бўляпти.

Қолаверса, Учкудук тумани бадий гимнастика федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мазкур илм маскани салкам уч миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва кийимлари билан таъминланди. Мактабда бадий гимнастика

тўғарагининг ташкил этилиши эса ўқувчи-қизлар ва уларнинг ота-оналарини хушнуд этди.

Бундан ташқари, ёзги таътил кунлари шаҳардаги «Лочин» спорт мажмуасида мактаб ўқувчилари турли спорт секцияларида шуғулланиб, туман, вилоят, республи-

ка миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш ва ўз маҳоратини намойиш қилишга интиломда. Масалан, 6-синфда таҳсил олаётган Паҳлавон Тўраев, Фирдавс Жумаев дзюдо бўйича вилоят босқичида 1-ўринни, Жонибек Ўттамов эса 2-ўринни эгаллади. Таэквандо бўйича Фахринур Нурмухаммедов, Жасур Саъдуллаев вилоят босқичида 3-ўринга лойиқ топилди. Республика биринчилиги учун ўтказилган футбол мусобақасида Фаррух Худойназаров, Сайфиддин Эсанов вило-

ят жамоаси таркибида 1-ўринни қўлга киритиши бу спорт тури бўйича ҳам яхши натижаларга эришилаётганини кўрсатади.

Янги ўқув йилини янги режалар билан бошлаш янги ютуқ ва интилишлар сари етаклашини тўғри англаган мактаб раҳбарияти 2010-2011 ўқув йилида маскан ўқувчи-ёшлари учун яна 9та спорт секцияси ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани эса, айниқса, қувонарлидир.

Аслиддин БОЗОРОВ

“БУНЁДКОР” ПЕШҚАДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Юртимизда “миллионлар ўйини” ишқибозлари истаганча топилади. Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасида биринчи давранинг қолдирилган учрашувлари бўлиб ўтди. Унда амалдаги чемпион “Бунёдкор” жамоаси 5-турнинг кечиктирилган ўйинида Қаршининг “Насаф” жамоасини синонга чорлади. Мазкур беллашувни марказий учрашув деб баҳолаш мумкин эди.

Бироқ қашқадарёлик футболчилар “қалдирғоч”ларга қарши қутилганидек ўйин намойиш эта олмади. Ўйиннинг илк таймидаёқ “Насаф” клуби дарвозабони икки бора тўп ўтказиб юборди.

Ҳисобда олдинга ўтиб олган пойтахтликлар иккинчи бўлимини бутунлай кўтаринки кайфиятда бошлади ва матч сўнгигача рақибга ташаббусни бермади. Миржалол Қосимов шогирдлари 2-бўлимда ҳужумга яна ҳам зўр беришди ва Стевитса Ристич ўз ҳисобига кетма-кет киритилган учта тўпни ёзиб қўйди, якуний ҳисоб — 5:0.

Мазкур муваффақиятли юриши билан “Бунёдкор” жамоаси 35 очко жамғарган ҳолда яққол етакчиликни мустаҳкамлади. Иккинчи ўринда пойтахтнинг яна бир жамоаси — “Пахтакор” бораётган бўлса, кучли учликни

“Насаф” клуби яқунлаб турибди.

Бундан ташқари, водийда ҳам катта футбол шоуси муҳлислар нигоҳи марказида бўлди. “Андижон” жамоаси ўз уйида 13-турнинг қолдирилган учрашувида “Нефтчи”га қарши майдонга чиқди. Айтиш мумкинки, “дерби” қутилганидек кескин вазиятларга, мурасасиз ҳолатларга бой тарзда кечди. Гарчи меҳмонлар жамоаси андижонлик футболчиларга жиддий қаршилик кўрсатган бўлса ҳам қимматли уч очко майдон эгаларига тортиқ этилди.

Матч тақдирини Шухрат Мирхолдиршоев томонидан киритилган ягона гол ҳал қилди — 1:0. Шундан кейинги ҳисоб-китобга кўра, “Андижон” жамоаси 9-поғонага кўтарилган бўлса, Юрий Саркисян шогирдлари, аксинча, 12-ўринга тушиб қолди.

Futbol

Ўзбекистон кубоги учун кечатган баҳсларда ўзига хос кашфиёт бўлиб улгурган, турли шов-шувлар сабабчиси — Ғузорнинг “Шўртан” жамоаси ўз тарихида биринчи марта финал йўлланмасини қўлга киритди. Улар энди бош соврин учун ўтадиган ҳал қилувчи жангда “Бунёдкор” қаршилигини ҳам енгишларига тўғри келади.

“ШЎРТАН” — ФИНАЛДА

Таркиби сезиларли даражада кучайтирилган ғузорликлар жамоаси чорак финалда кубокнинг амаёдаги эгаси бўлмиш “Пахтакор” клубини ўйиндан чиқариб юборган бўлса, ярим финалда яна бир пойтахт жамоаси — “Локомотив”га “чиқиш эшиги”ни кўрсатиб қўйди.

Ёдингизда бўлса, “темирўлчилар” майдонида бўлиб ўтган дастлабки учрашувда мезбонлар рақиб дарвозаси томон жавобсиз иккита гол киритганди. Аммо бу ҳисоб “Локомотив”нинг ишончли одимлашига камлик қилди. Чунки ғузорликлар ҳам ўз уйида пойтахтдан ташриф буюрган чарм тўп усталари дарвозаси томон жавобсиз иккита гол йўллашнинг уйдасидан чиқди.

Табиийки, голиб номини аниқлаш масаласи қўшимча вақтларга юклатилди, агар унда ҳам дуранг ҳисоби ўзгармаса, пенальтилар сериясига мурожаат қилинарди. Бироқ мағлубиятдан қутулишнинг чорасини тополган “Шўртан” жамоаси баҳс тақдирини пенальтилар сериясигача ҳал қилиб бўлди. Шаҳбоз Эркинов ва Александр Мерзляков бирин-кетин рақиб дарвозасига гол киритди, якуний ҳисоб эса йирик кўриниш олди — 4:0.

Энди ғузорлик футболчилар пойтахтнинг учинчи жамоаси — “Бунёдкор”га қарши финалда майдонга тушади. Олдиндан айтиш мумкинки, мазкур қарама-қаршилик ҳам қутилмаган қурашларга бой бўлади.

Зоҳиджон ХОЛОВ



«КИЧИК КАРВОН» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Европада бир муддат тин олган футбол «карвони» яна йўлга тушди. Англиянинг «Ливерпуль», Португалиянинг «Спортинг» ҳамда Италиянинг «Ювентус», жамоалари футбол бўйича Европа Лигасидаги дастлабки учрашувларини ғалаба билан яқунлади.



Нуфузли турнирнинг Скопьеда ўтказилган учинчи квалификацион босқичининг биринчи матчида «Ливерпуль» Македониянинг «Работнички» клуби устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувнинг 17- ва 59-дақиқаларида меҳмонлар вакили франциялик истеъдодли ҳужумчи Давид Нгог икки маротаба мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олди.

Шунингдек, «Спортинг» Даниянинг «Нордшелленд» жамоаси устидан 1:0 ҳисоби билан устунлиққа эришди. Матч тақдирини ҳал қилган ягона гол учрашувнинг 24-дақиқасида Симон Вукчевич томонидан киритилди.

Жавоб учрашувлари 5 август куни ўтказилади.

СЎНГИ СОНИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Франциялик умидли спортчилардан бири Ромэн Баррас Барселона шаҳрида ўтказилган енги атлетика бўйича Европа чемпионатида ўнкураш баҳсларида муваффақиятли иштирок этди.

Баррас 1500 метрга югуриш баҳсида энг сўнги сонияларда ишончли ҳаракат қилиб, ғалабага эришди. Финалда у 8453 очко жамғарди, иккинчи ўрин соҳиби голландиялик Элко Синтникомас ундан 17 очко ортда қолди. Бронза медал соҳибдори беларуслик Андрей Синтникомас эса 8370 очко йтди.



Мусобақалар аввалида имконияти юқори баҳоланган россиялик спортчилар Алексей Дроздов (8029) ҳамда Василий Харламов (7844) еттинчи ва ўн-учинчи ўринлар билан кифояланишди, холос.

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида теннис бўйича нуфузли халқаро турнир старт олди. Унда яққол фаворитлар қаторида тилга олинган британиялик ракеткачи Энди Мюррей дастлабки матчни унчалик таниқли бўлмаган теннисчига қарши ўтказди.

Қизиги, Мюррей учун ушбу матчда зафар кучиш осон бўлмади. Турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси 22 ёшли америкалик спортчи Тим Смичек билан уч сет давом этган жангда 6:1, 4:6, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Айтиш керакки, Тим мазкур мусобақанинг аутсайдерларидан бири. У дунё теннисчилари рейтингиде 192-ўринда туради.

Навбатдаги турда Мюррей латвиялик теннисчи Эрнест Гулбис устидан ғалабага эришган колумбиялик спортчи Алехандро Фальей билан кортга тушади.

Мусобақанинг ютуқ жамғармаси 619,5 минг долларни ташкил этади.

Шаҳина ЖҰРАЕВА тайёрлади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда болалар музика ва санъат мактабларига пардалар харид қилиш бўйича конкурс савдолари ўтказишни эълон қилади.

Конкурс савдоларида пардалар тикиш билан шуғулланадиган ва бу борада тажрибага эга бўлган, арзон ва сифатли етказиб бериш имкониятига эга хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этишлари мумкин.

Конкурс савдоларининг ўтказилиш жараёнлари ва тартиби бўйича батафсил маълумот олиш учун маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони – 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Телефонлар: (8-371) 239-41-27, 239-17-37, 239-41-11.


Факс: (8-371) 244-23-16.

Конкурсда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар харид қилинадиган жиҳозларнинг техник талабларини олиш учун мурожаат этишлари шарт.

Конкурс таклифлари юқоридаги кўрсатилган манзилга 2010 йил 10 август куни соат 15:00 дан кечикмасдан тақдим қилиниши лозим.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар! Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси (РКТАСБ) Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик кимовши савдосига ОАТБ “Кишлоқ қурилиш банк” Ғазалкент филиалига қарашли 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 11 АН 272 бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси кимовши савдоларига қўйилмоқда, бошланғич нархи — 4 201 000 сўм. Аукцион савдолари 2010 йилнинг 2 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АИТБ “Ипотека банк” Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимовши савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия:ДВ 001 № 000003

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 20-ўрта мактаб томонидан 1993 йили Мавлянова Шаҳноза Ризаматовна номига берилган № 041710 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



АМАЛИЁТ МАЗМУНИЛИ ЎТАДИ

Har yili ёзда Тошкент архитектура-курулиш институтининг архитектура факультети 2-босқич талабалари ёзги амалиётни ўташ учун юртимизнинг тарихий шаҳарларига йўл оладилар. Мамлакатимизнинг фахри ва ифтхorigа айланган Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларидаги маҳобатли обидалар ҳаётимизда ўчмас из қолдириб улгурган.

Бу йил ҳам декан муовини Шухрат Абдуллаев ҳамда ўқитувчимиз Зафар Матниёзов етакчилигида қадим Бухоро шаҳрига йўл олдик. 35 нафар талабадан иборат жамоа 7 кун мобайнида осори атиқаларга бой кўҳна шаҳарнинг бетакрор бинолари ва архитектуравий ансамбллари ўлчамларини олиш, тасвирлаш, тарихи ва қурилиш сирасорларини ўрганиш билан банд бўлдик. Бу эса ўқув йили мобайнида олган билимларимизни мустаҳкамлашга асос бўлди.

Шахло БАДРИДИНОВА,
институт талабаси

Амалиётчи талаба
Темур МАМАДАМИНОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-622.
Tiraji 27800.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA,

Navbatchi:
Anvar QOBILOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
Yil yakuni — 22.00